УзССР Давлат матбуот палатаси
Рес. кутубхона ... УзССР
2908991

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1994

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

19 АВГУСТ, ЖУМА № 33 (3277) ● СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

МУСТАҚИЛЛИК УЧУН ҲАР КИМ КУРАШМОҒИ ВА ҲАР КУНИ КУРАШМОҒИ КЕРАК.

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ўзбек бадиий адабиёти ривожи йўлида адабий жамоатчиликни уюштириш, халқимизни қайта тикланаётган миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатлар, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий ифтихор руҳида тарбиялаш ҳамда миллий тафаккурни ривожлантириш соҳасида олиб бораётган алоҳида хизматларини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Мамлакатимиз адабий жамоатчилигининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

1994 йилнинг ноябр ойида «Туркистон» саройида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил топганига 60 йил тўлиши муносабати билан тантанали кеча ўтказилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасига: бугунги ўзбек адабиёти атоқли намояндаларининг Сайланма асарлари тўпламларини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибияти тавсиясига биноан нашриётларнинг режасига киритишни ва нашр этишни таъминлаш топширилсин;

китобларни нашр қилишда Ўзбекистон Ижодкорлари жамғармаси, «Истеъдод», «Наврўз» хайрия жамғармалари ва бошқа ташкилотлар ҳомийлигидан фойдаланиш тавсия этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига истеъдодли ёзувчилар ва драматургларимиз асарларини саҳналаштириш ва уларни омма орасида кенг тарғиб этиш, халқимиз руҳига истиқлол туйғуларини сингдирувчи етук асарлар учун танловлар ўтказиш топширилсин.

4. «Ўздавтелерадио» компанияси ва «Ўздавкинокомпания» ўзбекистонлик адибларнинг энг яхши асарлари асосида видеофилмлар ва бадиий филмлар яратиш чора-тадбирларини белгиласинлар.

5. Ўзбекистон Фанлар Академияси қатағон қурбонлари бўлган адибларимизнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш, тарғиб этиш тадбирларини белгиласин ҳамда уларнинг асарларини нашрга тайёрласин.

6. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси юбилейига тайёргарликнинг боришини ёритишни, туркум кўрсатувлар, эшиттиришлар ва мақолалар берилишини таъминласинлар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари жойларда ёзувчи ва олимлар, адабий жамоатчилик иштирокида йиғинлар, ижодий учрашувларни ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун иловага мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан маблағ ажратсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ижтимоий масалалар ва маданият бўлими зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

УЙҒОНАЁТГАН ЎЛКА ЖАМОЛИ

Тошкент Давлат Техника университети фойесида Президентимиз И. Каримовнинг Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришнинг беш тамойилини акс эттирган композиция яратиш ғояси туғилди. Бу ажойиб ғоя таниқли рассом Тўхтабек Соиповни қизиқтириб қолди. Ана шу қизиқиш натижасида Ўзбекистонни келажаги буюк давлат сифатида акс эттирувчи картина — панно дунёга келди.

Композициянинг юқорисида республиканинг мустақиллиги ва тинч-тотувлиги ифодачиси бўлган ёнида жаптарлар учиб юрган миллий байроғимиз тасвирланган. Байроқнинг ўн иккита юлдузини рассом гуллар шаклида ифодалайди. Айни вақтда бу гуллар яшнаётган Ўзбекистоннинг рамзий ифодасидир. Улар фақат байроқда эмас, композициянинг бошқа жойларида ҳам давлатимиз сиёсатининг дастлабки муваффақиятларини акс эттириб турибдилар.

Ўнгда эса мусаввир ниғоҳи ўтмишга қаратилган. Гўё асрлар қаъридан буюк бобомиз Алишер Навоий ниғоҳи бизга қадалгандек туюлади.

Сўнгра Тўхтабек Соипов ўтмишдан бугунга кўприк ташлагандек, томошабин ниғоҳини замонавий маданиятга тортади. У шаҳар архитектураси қиёфасини жонлантиради. Бу ерда киноконцерт зали ҳам, театр ҳам, маданият ёдгорликлари ҳам, Бухоро, Самарқанд, Хиванинг қадимий обидалари ҳам кўзга ташланади, сал чапда эса ёш мустақил республикамизнинг чет давлатлар ҳамда уларнинг маданиятлари билан ўзаро алоқасини ифода этаётгандек Эйфел минораси қад кўтарган.

Паннонинг чапдаги юқори қисми давлатимизнинг эркин бозор муносабатларини, унинг иқтисодий алоқаларини очиб беради. Чорсидаги гумбазлари кўриниб турган бозор қисми бир йўлга келиб туташади ва бу йўл Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан иқтисодий, савдо алоқаларини кўрсатаётгандек таассурот қолдиради. Мусаввир тасвирлаган анъанавий эски турар-жойлар эса Президент И. Каримовнинг «Янгисини қурмай туриб, эскини бузиш мумкин эмас», деб айтган сўзларининг рамзий ифодасига ўхшайди.

Пастки ўнг бурчакка қараб йўналган қуёш нури чизиғи кичик, бироқ ҳали тирик Орол денгизини кўрсатиб турибди.

Паннонинг марказий қисмида, бироз юқорироқда қуёш рамзи бўлган доира ичида Президент акси туширилган. Доирадан тарқалаётган нурлар сурат композициясини қисмларга бўлади. Президент ўзига қуёшдан қудрат манбаи олиб, уни одамларга бераётгандек...

Панно ўйланиши ва ижро ифодаси жиҳатидан маҳобатли асар бўлиб, ниҳоятда миллий руҳда, Ўрта Осиё миллий миниатюралари услубида ҳал этилган.

Бемалол айтиш мумкинки, рассомнинг бу асари уйғониш мадҳияси, мустақиллик байрамидир. Мусаввирнинг ўзи асари ҳақида шундай дейди:

— Бугун, мустақиллигимизнинг уч йиллиги арафасида шуни янада чуқур ҳис этдимки, Президент ва халқ ўртасидаги ўзаро якдиллик бутун ютуқларимиз гарови бўлмоқда. Шунинг учун ҳам паннода халқ ва раҳбар орасидаги бирликни акс эттиришга, бу ҳол давлатнинг келажакда буюк бўлишини таъминлашга гаров бўлишини ифодалашга ҳаракат қилдим. Буюк байрам — мустақиллик куни ҳаммамизга муборак бўлсин!

С. НЕМЦОВИЧ,
санъатшунос

Одил ЕҚУБОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

УЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида юртбошимиз Ислом Каримов раислигида мустақиллигимизнинг уч йиллик байрамини нишонлаш Ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисда мустақиллик байрамини ҳақиқий умумхалқ сайлига айлантириш, уни юқсак савияда ўтказиш масаласи ҳар тарафлама муҳокама қилинди. Президентимиз ҳамманинг фикрини эшитди, берилган ҳар бир таклиф ва маслаҳатни инобатга олиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлади. Ўша куни юртбошимизнинг кайфияти жуда чоғ эди. Мажлис ниҳоясида у киши бир гуруҳ ёзувчилар билан жуда самимий, илиқ суҳбат ўтказди.

Суҳбат мавзуи айланиб-айланиб охир пировардида яна мустақилликка тақалди. Халқимиз истиқлолни мамлакатимиз ҳаётидаги энг катта ва энг қувончли тарихий ҳодиса сифатида қабул қилди. Уни мустаҳкамлаш йўлида белни маҳкам боғлаб, сидқидилдан тер тўкиб меҳнат қилмоқда. Бозор иқтисоди вужудга келтирган қийинчиликларга қарамасдан, эришган истиқлолимизнинг туб моҳиятини англаб, бутун куч-қуввати, истеъдоди, салоҳиятини ёш мамлакатимизни мустаҳкамлашга бағишламоқда.

Юртбошимиз бу гапларни, шунингдек, миллий руҳ ва миллий ифтихорни шакллантириш, ёшларимизни ўз буюк аждодларига ҳурмат, тарихига муҳаббат, яхши урф-одатларимизга, айниқса, инсоф ва адолат каби улуғ боболаримиз васиятларига садоқат, эътиқод, она тилимизни қадрлаш каби олижаноб фазилатлар руҳида тарбиялаш ҳақида қайта-қайта гапирдилар.



Самимий суҳбат давомида юртбошимиз «Халқнинг-ку мустақил давлатимизга муносабатини юқорида айтдим» дедилар ва кулимсираб «Сизлар-чи?» — деб сўрадилар. Биз у кишига «Ахир бизнинг муносабатимизни яхши биласиз-ку, Ислом Абдуғаниевич. Ўз фикрларимизни ҳар кун, ҳар он матбуотда, радио-телевидениеда, катта анжуманларда айтиб келяпмиз», деб жавоб бердик. «Биламан, деди Ислом Абдуғаниевич. Лекин бу чиқишларингиз оз. Халқимиз «Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога» деганидек, гулдай диёрига хиёнат қилиб, хорижга қочган кимсалар ҳар куни ҳар хил овозлардан юртимиз ва халқимиз шаънига не-не бўҳтонлар ва туҳматлар ёғдирмоқдалар».

Ҳақиқатан ғанимларимиз туҳмати шу даражага бориб етдики, гўё бизнинг халқимиз ҳали миллат бўлиб шакллангани йўқ, у маънавият нималигини тушунмайди. Ҳозир фақат қорин тўйдириш билан банд, деган гапларгача боряптилар. Хўш, Бизлар-чи? Нега сукут сақлаймиз? Нега телевидениеда кам кўриниб қолдик? Ҳар хил маза-матрасиз, дидсиз концертлар ойнаи жаҳонда тўлиб кетди. Уларнинг ўрнига бизлар чиқайлик, баҳс қилайлик. Халқ шаънига айтилаётган бу туҳматлардан элимизни ҳимоя этайлик, «Албатта, истиқлолимиз, мустақиллик ҳақида ҳам чиқишлар бўляпти. Лекин мен бир нарсани истардим: мустақилликни улуғловчи енгил-елпи мақтовларга тўла чиқишлар, ҳамду саноларнинг даври ўтди, дедилар юртбошимиз. Энди халқимиз сизлардан мустақил давлатимиз моҳиятини чуқур таҳлил қилиб берадиган, олдимизда турган мураккаб масалаларни дадил кўтариб чиқадиган фалсафий-теран чиқишларни, агар зарур бўлса, баҳс-мунозараларни кутади».

Суҳбат охирида Президентимиз «Иқтисодий масалаларни албатта ҳал қиламиз, худо хоҳласа бир-бир ярим йил ичида, аниқроқ айтсам, 1996 йилда мамлакатимиз ҳозирги қийинчиликларнинг ҳаммасини енгиб ўтади, — дедилар. — Халқимиз яхши яшай бошлайди. Моддий қийинчиликлар орқада қолади. Шундай бўлиши учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд. Олтинимиз ҳам, нефтимиз ҳам, пахтамиз ҳам бор. Энди чорвани ва ғалла экиладиган майдонларни кескин кўпайтиряпмиз. Хуллас, бир-бир ярим йилда ҳамма иқтисодий қийинчиликларни ҳатлаб ўтамиз. Бу ишни менга қўйиб беринглар. Сизлар эса агар Президентингизга, ҳукуматингизга, охир пировардида халқимизга чин дилдан хизмат қиламан десаларингиз маънавият билан шуғулланинглар» деб таъкидладилар.

Суҳбат якунида Ислом Абдуғаниевич ҳаммамизни ниҳоятда хушнуд этган бир гапни айтдилар: Сизларнинг уюшмаларингиз бу йил кузда олтмишга тўлар экан. Мен бу ҳақда катта бир гуруҳ ёзувчиларнинг мактубини олдим ва шу йил ноябрь ойида бу яхши санани кенг нишонлаш ҳақидаги қарорга имзо чекдим.

Давоми учинчи бетда

МИННАТДОРМИЗ

Серқуёш диёримиз мустақилликка эришганлигининг уч йиллиги арафасида Ёзувчилар уюшмамизнинг ўзбек бадиий адабиётини ривожлантириш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари алоҳида эътироф этилганлиги бизни беғоят тўлқинлантириб юборди. Бошимиз узра озодлик офтоби чарақлаб турган бир дамда биз ўзбек зиёлилари қўлни-қўлга бериб ўзимизни ҳурриятдек олий неъматни асраб-авайлашга, уни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодга мустақиллик моҳиятини тушунтириб беришдек олижаноб ишга сафарбар этмоғимиз лозим.

Кейинги пайтларда республика ҳукумати ва шахсан Президентимиз ижодкорларнинг турмуш шароитини яхшилаш, маънавий эҳтиёжларини қондириш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Бир қанча ижодкорларга янги уй-жойлар, дала ҳовлилари берилганлиги, қатор ёзувчи ва шоирларга республикамизнинг юксак унвон ва мукофотлари топширилганлиги фикримизнинг далилидир.

«Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида» деб қабул қилинган қарорда уюшмамизнинг ўзбек бадиий адабиёти ривожи йўлида адабий жамоатчиликни уюштириш, халқимизни қайта тикланаётган миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатлар руҳида тарбиялаш ҳамда миллий тафаккурни ривожлантириш соҳасида олиб бораётган хизматлари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Камтарона меҳнатимизга берилган бу юксак баҳодан тўлқинланган ҳолда биз ижодкорлар бундан буён ҳам ватанимиз мустақиллиги, халқимиз фаровонлиги йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилишга тайёрмиз.

Одил ЕҚУБОВ, Жамол КАМОЛ, ШУКРУЛЛО, Абдулла ОРИПОВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Эркин ВОҲИДОВ, МИРМУҲСИН, Рамз БОБОЖОН, Иброҳим РАҲИМ, Ҳаким НАЗИР, Матёқуб ҚУШЖОНОВ, Худойберди ТУХТАБОЕВ, Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ, Абдусанд КУЧИМОВ, Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, Тўра МИРЗО, Азим СУЮН, Тоҳир ҚАҲҲОР

ҲАҚИҚАТ ТОНГИ

ригида шоир Мирпўлат Мирзаев шеърига басталган мусиқам билан қатнашиб, фахрли ўринни эгалладим.

Мустақиллик тўйимизнинг икки йиллигида эса шоир Нормурод Нарзуллаев шеърига ёзган асарим қўшиқлар конкурсида биринчи ўринни олди. «Наврўз» қўшиғини яратдим. Уч йиллик бақоримизни ҳам янги ижодий асарларим билан кутиб олаяпман. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Ватан» шеърига ёзган қўшиғим, таниқли шоир Жуманиёз Жабборовнинг шеърига басталаган «Шодлик валси» ва бошқа камер оркестри учун яратган музикаларим шулар жумлагиндандир.

— Республика Композиторлар ва Бастакорлар уюшмаси бу байрамни қандай совғалар билан кутиб олишяпти?

— Уюшмамизда 110 дан ортиқ ижодкорлар фаолият кўрсатишади. Ҳозирги кунда улар қутлуғ байрам кайфиятида ижод қилишмоқда. Таниқли композиторлар Улуғбек Мусаев янги балет устида иш олиб боряпти, Мирсодиқ Тожиев эса «Ўн саккизинчи симфония»сини тугатиш арафасида. Баҳрулло Лутфуллаев ва Тўлқин Қурбонов хор ва оркестр учун «Қасида»лар яратишди. Шунингдек, Абдуҳошим Исмонлов, Неъматжон Қулабдуллаев, Раҳматжон Турсунов, Ҳабибулло Раҳимов, Фарҳод Алимов, Бахтиёр Алиев сингари кўплаб таниқли композитор ва бастакорларимиз турли жанрлардаги асарлар устида тинмай изланмоқдалар. Бу совғалар байрам кунлари мустақиллик майдонида, концерт заллари ва театрларда ижро этилиб, халқимизга тақдим қилинади.

— Мустақил юртга тилакларингиз?

— Мен мустақилликни шодлик байрами сифатида қадрлагим келади. Ҳеч қачон шодлигимиз аримасин, дейман. Келгусида буюк давлат сифатида дунёга таниллишимизга ишончим комил. Энг асосийси, боболар руҳини шод этмоғимиз, юртимизда тинчлик барқарор бўлишига эришмоғимиз лозим деб ўйлайман.

Таниқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ёзганидек:

Боболар кечмишин қадрини
фаромуш айламанг,
дўстлар,
Ҳақиқат тонги отганда
анн туш айламанг,
дўстлар,
Агар ким эътиқодсиздур
анн хуш айламанг,
дўстлар,
Ватандан айру кўнгулни
билинмгин яратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни
чамансиз сайратиб бўлмас.

Адиба ҲАМРО қизи суҳбатлашди

ЮРТНИНГ ТЎЙИ

Ўзбекистоннинг барча шаҳар-у қишлоқларида мустақиллигимизнинг уч йиллиги улуғ айём сифатида кутиб олинаётир. Нишон тумани меҳнаткашлари ҳам қадим юртимиз озодлиги тўйини катта тантаналар билан нишонлашга қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Туман маданият бўлими бошлиғи Шавкат ШЕРМАТОВ ана шу катта тўй тараддуди ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Истиқлол юртимиз тўю тантаналари, сайил байрамлари шакли-шамойилида, моҳиятида ҳам катта ўзгаришлар ясади. Буни улуғ айёмларимиз, катта байрамларимиз ўзбекона-шарқона тус олаётганлиги, миллий қиёфа касб этаётганлигидан ҳам билиш мумкин.

Истиқлол байрамининг файзи ўзгача. У фақат озод Ватанимизнинг сиёсий, катта ижтимоий руҳдаги байрамигина эмас, айни пайтда жафокаш халқимизнинг соф миллий байрами ҳамдир. Чунки истиқлол узоқ йиллар мобайнида ота-боболаримизнинг буюк армони, эзгу орзуси бўлиб келди. Озодликка етишган кун юртнинг энг катта тўйи, бинобарин, халқимизнинг ўзлигини англаш байрамидир. Биз туманимизда Ватан озодлигининг уч йиллигини ана шундай улуғ байрам — юртнинг энг катта тўйи сифатида нишонлаш ниятидамиз.

Байрамга туманнинг барча меҳнат бўлинмалари, хўжаликлари, ташкилотлари катта тайёргарлик кўрдилар. Ҳар бир қишлоқ, жамоа хўжалигидан тортиб, мустақил юртимизнинг муҳташам иншоотларидан бири бўлган — бу йил биринчи навбати ишга туширилаётган Толимаржон ГРЭСининг Нуристон шаҳарчаси сингари қўриқдаги янги манзилларда ҳам зўр тайёргарлик бормоқда. Туман марказидаги янги боғимиз Мустақиллик боғи деб номланади. Бу боғ истиқлол байрамининг бош қароргоҳига айланади. Шу куни туманнинг шаҳар ва қишлоқларидан, хўжаликларидан меҳнаткашларнинг илғор вакиллари, фидойи меҳнатчилар шу боққа келадилар. Кўпкари, полвонлар беллашуви, дорбозлар санъати намойиши, лапар ва айтишувлар, турли мусобақалар ўтказилади. Ҳозир хўжаликларда ўтказилаётган йиғитлар беллашуви, қизлар баҳси мусобақаларининг ғолиблари мустақиллик байрами куни ўз санъатларини намойиш қиладилар. Район маданият бўлимининг «Нишона», «Қўшчинор» бадиий ҳаваскорлик ансамбллари, ёшлар оромгоҳининг, шунингдек, Толимаржон шаҳридаги ҳарбий қисм ҳаваскорларининг чиқишлари бўлади.

Мустақиллик байрамига туманимиз меҳнаткашларининг энг катта совғаси шуки, барча хўжаликларимизда бу йил пахта ва ғалладан мўл-кўл ҳосил етиштирилди. Бинобарин, район аҳли деҳқончилик ва чорвачиликдан олаётган даромад ҳам ҳар йилгидан кўп бўлади.

Шу кунларда туманнинг шаҳар ва қишлоқларини байрамона безаш, жойларни тартибга келтириш ишлари олиб бориляпти. Туманимизда истиқлол тўйи тўйдек бўлади.

Санд МЕЙЛИЕВ
ёзиб олди

ШЕЪРИЙ ЛАҲЗА

ОТА ТУРКИСТОНИМ...

Бизга ўт билинди: ёниб уйғонди,
Ўтда ёруғлик бор, ёнса ёнар жон.
Бирдан тикка турдик: сенга ишондик,
Ота Туркистоним, онам Туркистон!

Букчайиб юрганни билар бир тупроқ,
Тикка турганларни танир тўрт томон.
Қуёш нурларига боғландик кўпроқ,
Ота Туркистоним, онам Туркистон.

Баландлай бошладик: умидлар яшил,
Чин ҳурлик истаги яна бир имкон.
Сен «болам»деб турсанг, йўлимиз енгил,
Ота Туркистоним, онам Туркистон.

Юксакдан қарасак кўринди бари
Ким дўсти жигаржон, ким дўсти ёлғон.
Билгичмиз биз сени англаган сари,
Ота Туркистоним, онам Туркистон.

Жаҳолат, қўрқоқлик, ғофиллик, ҳасад—
Қайси ёв қул бўлмас Ишқ бўлса ғулхан?!
Ишқингсиз—бечора қолдирма фақат,
Ота Туркистоним, онам Туркистон.

Ҳурлик, қуллик аро ташласа тақдир,
Сенинг буюк ишқинг ярог ҳам қалқон.
Ишқинг енгилганни ким кўрмиш, ахир,
Ота Туркистоним, онам Туркистон?!

Баландлаб борамиз: ишончлар яшил,
Сўзлаша бошлайди биз билан осмон.
Демак, узоқ эмас энг тоза манзил,
Ота Туркистоним, онам Туркистон.

Минг шукур, ўзингсан карвон-у черик,
Минг шукур, ўзингсан сардор-у сарбон.
Бир бўлсанг, бор бўлсанг: ОЗОДЛИК ТИРИК
Ота Туркистоним, онам Туркистон!

ҚУТЛИБЕКА

Ўзбекистон Композиторлар ва Бастакорлар уюшмасининг котиби, Республика Давлат мукофоти лауреати Рустам АБДУЛЛАЕВ билан суҳбат

— Рустам ака, айтинг-чи, Ўзбекистон мустақиллиги ижодкор сифатинди сизга нималар берди?

— Ҳақиқий Ватан фарзанди учун ўз юртининг мустақиллигини кўришдан-да улуғроқ бахт бўлмаса керак. Ижодкор халқи эса ана шу буюк туйғу билангина тириқдир. Негаки, эркин қалбгина дард ва қувончларини ўз халқи билан баҳам кўришга қодир. Менга мустақиллик аввало ҳам ижодий, ҳам инсоний эркинлик берди, десам хато бўлмас.

Ўзбек халқи ўзининг буюк сиймолари ва бетакрор мероси билан жаҳонга танилган. Ана шу боболаримиз руҳини шод этиб, уларнинг ишларини давом эттириш ҳамда ҳар соҳада дунёга чиқишимиз, ўзлигимизни танишимиз учун мустақиллик ўзининг кенг дарвозаларини очиб берди. Шу сингари улуғ ишларни кўрарканмиз, биз ижодкорларнинг илҳомланмасдан иложимиз йўқ. Мустақил давлатимизнинг янги мадҳияси танловида қатнашиб, иккинчи ўринни олишга сазовор бўлдим. Мустақиллигимизнинг бир йиллигига бағишланган маршлар кў-

АВЛОДЛАРГА ТИЛАКЛАР

Асқад МУХТОР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



ТАЛАБАЛИГИМИЗДА ДОМЛАЛАРИМ — Садриддин Айний ва Абдурраҳмон Саъдий (уларни худо раҳмат қилсин) адабий суҳбатларимизда бу мўътабар номни тез-тез тилга олардилар. Профессор Саъдий унинг анъанавий қофияли насрдаги маҳоратини намойиш этиш учун арабча асарларидан парчалар ўқиб берарди. Татар тилидаги асарларидан ўқиганда биз: «Бу — ўзбекча-ку?!», — деб ҳайрон бўлардик. «У зот барча туркий халқларга тушунарли бўлсин дея, чамаси, шундай «ўртатурк» лаҳжасини танлашга сайъ қилганлар, — деб тушунтирар эди домламиз. — Аммо ҳазрат араб, форс, рус ва барча туркий тиллар қатори ўзбекчани ҳам мукаммал билганлар».

Айний домла бизни Шердор мадрасасига бошлаб кириб (ҳовлилари Регистоннинг шундоққина чеккасида эди), бир-иккита ҳужрани тахминлаб кўрсатганлар: «Мавлоно мана шу хоналардан бирида истиқомат қилган бўлишлари керак. Чунки ўттизлардан ошган эдилар, бу ёшда етук муллалар шундай хос хоналарни эгаллардилар».

...Мен бундан бир ярим аср аввалги манзарани кўз ўнгимга келтиришга уринардим. Мана, баланд бўйли, тақа мўйлов, яшил адрас тўн кийиб, оҳорли оппоқ салла ўраган, тундроқ аллома шу тош сўқмоқлардан юриб келиб, қадрдон бўлиб қолган маҳобатли Шердор пештоқига тикилади... Кекса Шарқ тарихини ўқийди...

Гап мусулмон дунёсида маълум ва машҳур шарқшунос олим Шаҳобиддин Маржоний (1818—1889) ҳақида.

Мен туркий халқлар муштарак меросининг рамзи бўлмиш бундай билимдон сиймолардан бири — Аҳмадзакий Валидий ҳақида («Халқ сўзи» газетасида) жиндак ҳикоя қилган эдим. Шундан кейин республикамизда унинг баъзи асарлари ҳам босилиб чиқди ва бу ном адабий-тарихий илмлар тасарруфига тез кириб кетди. Валидийдан анча вақт муқаддам яшаб, ижод этган Маржоний шахси ва фаолияти эса янада миқёсли ҳамда Ватанимиз тарихининг ихлосмандлари учун янада қизиқарлироқ бўлади, деб ўйлайман.

Шаҳобиддиннинг отаси Баҳоуддин ўн саккизинчи аср охирларидаёқ Бухорога келиб, «Турсуния» ва «Мир араб» мадрасаларида таҳсил кўрган, Қозоннинг нуфузли имоми ва мударриси эди. У анъанавий Бухоро мактабининг ҳамма маърифатпарвар уламолари сингари, Ҳофиз, Саъдий, Яссавий, Навоий, Атойи, Фузулийлар шеъриятининг билимдони бўлиб, ўғлига ҳам буюк Шарқ маданияти руҳида тарбия беради.

Ота юрти Маржон (Татаристон) қишлоғи номини тахаллус қилиб олган Шаҳобиддин 15-17 ёшлик пайтларидаёқ араб, форс, турк тилларини эгаллаб, ҳатто отасининг мадрасаси учун шу тилларнинг дарсликларини ёза бошлайди.

Биз учун муҳими шуки, унинг айни маънавий камолот йиллари Бухоро билан Самарқандда ўтади. Бу ерда у маърифатпарвар шарқшунос бўлиб шаклланади, туркий халқлар маданий бирлиги, ўз халқининг миллий тарихи ҳақидаги кўп жилдлик асарларининг замини ҳам шу ерда яратилади. Бухоронинг «Кўкалдош» ва «Мир араб», Самарқанднинг «Шердор» мадрасаларида, бу шаҳарларнинг ҳамма йирик кутубхоналари ва китоб расталарида мавлоно Шаҳобиддин Маржонийни билмаган одам йўқ эди. У бу ерда ортирган дўстлари— йирик шахсий кутубхона эгалари бўлмиш мударрис Мирзосолиҳ Хўжандий, катта олим Ҳусайн Кирмоний, муҳандис Низомиддин Илҳомий, тарихчи Абусаид Самарқандийни ўз асарларида ҳурмат ва миннатдорлик билан тилга олади. Буларнинг кутубхоналаридан шогирдлари ёрдами билан юзлаб қўлёзмалардан кўчирмалар олганлигини ёзади.

(Қавс ичида айтиб ўтиш керакки, Абусаид Самарқандийнинг бебаҳо тарихий манбалар хазинаси кейинчалик шарқшунос В. Л. Вяткин қўлига ўтган экан. Бу хазинани кўрганлар ҳаммаси бирдек ҳайрат изҳор қилишади. Маржонийнинг Қозондаги ўз кутубхонаси ҳам XIX аср шарқшунослари ўртасида машҳур бўлган, афсуски, бу хазина эгасининг вафотидан сўнг тасодифий ёнғинда кулга айланган.)

Самарқанд ва Бухорода ўтган даврнинг қарийб ўн икки йил — олимнинг дунёқараши, илмий-тарихий консепцияси, миллий ва инсонпарварлик ғоялари шаклланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Бу йилларда Маржоний Шарқнинг даҳолари — Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд, Фирдавсий, Хайём, Саъдий, Навоий меросини чуқур ўрганади. Бу ерда ёзган дастлабки асарлари «Аълам абнои ад-даҳр би аҳвол аҳл Мовароуннаҳр» («Мовароуннаҳр аҳолисининг аҳволи ҳақида давр фарзандларининг маълумотлари»), «Ғурфат ал-хавоқин...» («Хоқонлар хусусида») ва кейинроқ Қозонда ёзган «Муқаддима» ҳамда «Вофият ал-аслоф ва тахиятул-ахлоф» («Аждодларга марсия ва авлодларга тилаклар») деган етти жилдли асарида Марказий Осиё халқлари тарихи, туркий маданият ва ислом фалсафаси масалаларига катта ўрин беради.

«МУҚАДДИМА» МАНА ШУ кейинги катта асарнинг кириш қисми бўлиб, унда Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқа олимларимизнинг дунё фанида тутган ўрнига юксак баҳо берилади. Ўрта Осиё халқлари илмий-фалсафий тафаккурининг фақат қадим юнон замиригагина эмас, балки туркий халқларнинг исломгача бўлган даврга бориб тақаладиган ўзига хос асил тарихий меросига таянгани исбот этилади. Тўғри, юнон тафаккури араб тили орқали жамиъ мусулмон дунёсига тез суръатлар билан кириб келди, юнон манбаларининг кўп сонли изоҳномалари ҳам пайдо бўлди. Буни Маржоний тан олади, аммо, унинг фикрича, Шарқ Ренессанси том маънода оригинал ҳодиса эди.

«Муқаддима»да айтилишича, масалан, сосонийлар даври маданияти юнон маданиятидан асло қолишмас эди. Ўрта аср Шарқ фалсафаси қадим юнон донишмандлари меросини танқидий ўзлаштириш билан бирга, ўз оригинал назариялари, кашфиётлари ва ғоялари билан инсониятни бойитди. «Чунончи, жуғрофия фани юнонда ҳали беланчакда эди; Шарқ олимлари уни балоғатга етказдилар», — дейди Маржоний. Юнонлар меросини таржима қилиш араб олимларининггина хизмати эмасди. Маржоний бани Форобийнинг Сурияга бориб араб олимлари билан ҳамкорлик қилгани, «Устози соний» деган шарафли унвон олганлиги билан ҳам исботлайди; уни ва Ибн Синони ҳурофотчиларнинг туҳматларидан ҳимоя қилади. «Аш-Шифо», «Ал-Ишорат», «Ан-Нажот» асарларида Ибн Сино кўп соҳаларда Арастуни бойитди, кўп масалаларда унга қарши чиқди, хуллас, мусулмон олимлари фан ва фалсафани янги камолот босқичига кўтардилар», — дейди Шаҳобиддин Маржоний.

Албатта, ҳозир булар биз учун янгилик эмас. Аммо ҳисобга олиш керакки, олим буни Крачковский ва Бартолд сингари машҳур рус шарқшуносларидан олдин, бундан тахминан бир ярим аср аввал айтганди. У вақтда Ўрта Осиёнинг мўғуллар босқинидан аввалги тарихи ҳали қарийб ўрганилмаган эди. Маржоний «Ғурфат ал-хавоқин...» асарини шу даврга бағишлаб, бу ердаги қадим туркий қабилаларнинг ҳаёти ва қисматлари ҳақида ҳикоя қилади. Буларнинг Марказий Осиёдаги қадим туб аҳоли эканлиги, бу элатлар Кошғар, Болосоғун, Фарғона, кейин икки дарё оралиғини бирлаштириб, Ўзганда пойтахт барпо қилганликлари, бу ўлкани қорахонийлар сулоласи икки ярим аср давомида бошқаргани шарқшуносликда ҳали бундай батафсил тадқиқ этилмаган эди. «Мустафад ал-ахбор фи аҳволи Қозон ва Булғор» деган катта асарида эса олим шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар шажараларининг ҳукмронлиги ҳақида қимматли маълумотлар келтиради. Уларнинг Итил(Волга)бўйи туркий қабилалари билан сиёсий-иқтисодий алоқаларини тасвирлайди.

Шаҳобиддин Маржонийнинг Шарқ халқлари тарихига оид энг салмоқли асари юқорида тилга олганимиз «Вофият ал-аслоф...»дир. Муаллиф уни Самарқандда бошлаб, то умрининг охиригача ёзади. Билимдон манбашунос, албатта, Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» каби тазкира ва сулоланомалари билан яхши таниш бўлган. Анъанавий шарқона жанрнинг ҳамма турларидан истифода қилган олим фақат юзлаб ҳукмдорларнинггина эмас, балки жуда кўп маданият, адабиёт, фан ва давлат арбобларининг таржимаи ҳолларини, ижодий меросларини асил манбалар асосида қайд этади. Ал-Маарий, Ал-Киндий, Замахшарий, Форобий, Жомий, Навоий, Жалолиддин Румий ва бошқалар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади, батафсил маълумотлар беради. Чунончи, Ибн Синонинг олтмишдан ортиқ асарини номма-ном атайди. Улуғбек ва унинг мактабига алоҳида тўхтаб, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Қозизода Румийни ҳурмат билан тавсиф этади. Улуғбек расадхонаси 1502 йилги тож-тахт талашишлари оқибатида вайрон бўлган деганлай тафсилотларни ҳам сўзлаб ўтади.

Маржоний Шарқни Ғарбга, фанни руҳиятга қарама-қарши қўядиган олимлардан эмас. Том маъноси билан мусулмон дунёсининг алломаси, шу билан бирга, Ғарб шарқшунослари орасида мавқели бўлган Маржоний академик В. Радлов, И. Готвалдлар билан яқин дўст, араблардан ташқари Ғарб файласуфларини ҳам таржима қилар, Пушкин ва Лермонтовни туркчага таржима этишда О. С. Лебедева билан ҳамкорлик қилар, уни Оврупода ҳам яхши билар эдилар. Петербург дорулфунунида профессор Ҳусайн Файзхонов сингари шогирдлари ва Шайх ат-Тантавий каби олим дўстлари ишларди. Ислом фалсафасини чуқур эгаллаган олим Шарқда тафаккурни диндан ажратиб тадқиқ қилиб бўлмаслигини тушунар, тарих сабоқлари келажак авлодлар саодати йўлида хизмат этиши керак, деб биларди. Шунинг учун у «Мустафад ал-ахбор...» асарини Қуръоннинг қуйидаги калималари билан бошлайди: «Уз халқингни зулматдан рўшноликка бошла, унга ёруғ кунларни намоён қил...».

У ватан тарихини, буюк салафларимизни беҳад ҳурмат қиларди. Шунинг учун ҳам унинг «Аждодларга марсия ва авлодларга тилаклар» деган сарлавҳасини бутун ижодига эпиграф қилиб қўйгулик.

Шу билан бирга, Шаҳобиддин Маржоний Шарқ анъаналарини идеаллаштиришдан ҳам йироқ эди. Тажрибали матншунос ҳар бир манбага адолатли танқидий кўз билан қарайдиган, мустақил фикрли, ростгўй ва софдил тадқиқотчи эди. Бир мисол. Буюк аждодларни, адолатли шоҳларни ҳамма вақт ҳурмат билан тилга олган муаллиф Бухоро амири Насруллога келганда, унинг маддоҳларига ишонмай уларнинг «адолатли баҳодир, дини ислом ҳомийси» деган ҳамду саноларини бир чеккага қўйиб, «Насрулло қассоб»нинг Нодира — Моҳларойим Фарғонасидаги қонли жиноятларини воқеалар изидан биринчи марта қаламга олади.

ОЛИМ БУХОРОНИНГ ЎША ВАҚТДАГИ аҳволига кескин танқидий назар солади. XIX асрнинг биринчи ярми эди. Буюк Темур давлати аллақачонлар парокандa бўлган. Ўзбошимча хонларнинг беҳуда низоларидан халқ безор, хурофот авж олган, маърифатпарварлар таъқиб остида, ўқув-ўқитув соҳасида қолоқ, догматик усуллар ҳукмрон. Маржоний ўзидан олдин ўтган юртдоши Абунаср Курсавий сингари маърифатпарвар олимларнинг мусибатли тақдирини била туриб, дастлабки йиллари, айниқса, Бухоро амирлигидаги тартибларга рўй-рост қарши чиқади.

(«Ал-Иршод» деган эътиборли тарихий-фалсафий асарнинг муаллифи, Бухорода таҳсил кўрган олим Абунаср Курсавий (1776—1812) хурофотга зид фикрлари учун амир томонидан ўлимга ҳукм қилинганда маслакдошлари ёрдами билан қочиб қутулган эди. Маржоний каби дадил янгилик тарафдорларига катта таъсир кўрсатган бу сиймонинг ҳаёти ҳақида ҳам бир ёзгим бор. Шунингдек, ўтган асрда «Мовароуннаҳрга саёҳат» китобини ёзган Зокир Бегиев ҳақида ҳам ҳикоя қилса арзийди, деб ўйлайман).

Шаҳобиддин Маржоний ҳеч ҳайиқмай Курсавийнинг асарини ўз қўли билан кўчириб тарқатади, унинг тўғрисида махсус рисола ёзиб, устозини «ҳақиқат жарчиси» деб атайди. Фаол тафаккур даври (асри ижтиҳод) ўтиб кетгани йўқ, у давом этиши лозим, дея, «Китоби мажмуат ул-ашъор» («Шеърий намуналар тўплами»), «Муаззанат ул-адаб» («Адабиётлар қиёси») деган асарлар нашр қилиб, Шарқнинг ўтмиш даҳоларини эслашга даъват этади. Мадрасаларда адабий ва диний манбаларнинг мазмунини тушунмай туриб кўр-кўрона ёдлаш, схоластик ўқув усулини қаттиқ қоралайди. Унинг маърифатпарварлик фикрлари, мактаб-маорифда янги усулга ўтиш йўлидаги назарий ва амалий фаолияти, шубҳасиз, кейинроқ жадидчилик ғояларининг, Исмоилбек Ғаспирали, Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби маърифат намояндаларининг ўсиб чиқишига замин яратди.

Шахс камолоти, инсонпарварлик ғоялари Маржоний дунёқарашининг ўқ илдизи эди. Ибн Ҳолдун ўз асарини умуман ижтимоий муносабатлар тарихининг ибтидоси сифатида «Муқаддима» деб атаган бўлса, унга тақлидан туркий халқлар тарихини фан даражасига кўтаришни кўзлаган Маржоний ҳам ўз асарини «Муқаддима» деб номлайди. Туркий халқлар ҳақидаги туҳмат (масалан, немис файласуфи К. Форлендернинг: «Шарқ фалсафаси» ҳақида жуда шартли равишдагина гапириш мумкин...», ёки рус тарихчиси С. М. Соловёвнинг: «Шарқлилар фақат забт этилишга лойиқ нодон қабилалардир» деган сингари шовинистик руҳдаги) гапларни улоқтириб ташлаб, туркийлар улуғ маданий қадриятлар яратган тарихий халқлар эканлигини таъкидлайди, ўз халқининг миллий тарихини яратади. Олимжон Иброҳим уни «Миллий тарихимизнинг отаси» деб атаган эди.

Маржонийнинг асосий хизмати, албатта, Булғор ва Қозон татарларининг қадимий тарихи, энг бурунги туркий қабилалар билан этник алоқалари, уларнинг этногенези муаммоларини биринчи бўлиб чинакам теран ёритганлигидадир. Унинг бу мавзудаги «Ғилалат аз-замон фи тарихи Булғор ва Қозон» («Булғор ва Қозон тарихини тўсиб турган замонлар пардаси») ва «Мустафад ал-ахбор фи аҳволи Қозон ва Булғор» («Қозон ва Булғорга оид маълумотлар») деган китоблари ўз соҳасида беназирдир. Буларда ҳам у Ўрта Осиёдаги энг бой кутубхоналарда учратган манбалардан, Ал-Маарий, Ал-Жаҳиз, Беруний, Форобий, Фирдавсий, Ибн Сино, Хайём, Ғаззолий, Ибн Арабий, Ибн Рушд, Аш-Шаҳристоний, Ибн Ҳолдун, Ибн Фадлон, Тафтазоний, Замахшарий, Шамс Дмашқий, Ёқут ал-Ҳамавий, Жомий, Навоий, Мирхонд, Улуғбек, Жалолиддин Румий, Бадриддин ал-Айний, Шамс ал-Саҳовий, Ал-Ғарнатий, Ибн Руст, Ал-Бакр, Ибн Ҳавкал, Ат-Табарий каби юзлаб муаллифларнинг маълумотларидан фойдаланган.

Шаҳобиддин Маржонийнинг ижодий мероси катта ва, айтиш керакки, асосан мутахассисларгагина муяссардир. Чунки мавлоно ўттиздан ортиқ асарининг иккитасинигина татар тилида, қолганларини мусулмон олимларининг кўҳна анъанасига мувофиқ араб тилида ёзган. Уларнинг бир қисмигина ўтган аср ўрталарида ким нусхада нашр этилган. Унинг асарларида кўп сонли кўчирмалар асил нусха тилларида келтириладики, бу ҳам ўқувчига қийинчилик туғдиради. Унинг устига Маржонийнинг асарлари бошқа тилларга кам таржима қилинган.

Бу ажойиб олим тўғрисида биз ҳали кўп нарсани билмаймиз. У ўзбек шарқшуноси Жўрабек Қаландар қори ўғли билан ҳам таниш бўлган бўлиши керак, чунки XIX аср иккинчи ярмида жаҳон шарқшунослик ва этнографик конгрессларида улар бирга иштирок этганлар.

Маржоний тиниб-тинчимас сайёҳ эди. Арабистон, Миср, Сурия, Туркия ва бошқа Шарқ мамлакатларига сафари ҳақидаги «Рихлат ал-Маржоний» ва «Ихтисор китоб ан-нужум аз-заҳира фи аҳволи Миср ва Қоҳира» («Миср ва Қоҳирани ёруғ юлдузлари хусусида...») деган асарлари ҳам унинг йирик тарихчи-шарқшунос эканини кўрсатади. Уларда бу мамлакатларнинг фан ва маданият намояндалари билан танишишдан ташқари, араб шеърияти, мусиқаси ҳақида ҳам маълумотлар оласиз.

ТАРИХИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ тиклаш жараёнида ҳамма туркий халқларнинг муштарак маданий меросини бус-бутунича олиб қарашимиз керак, деб ўйлайман. Шунда бу буюк меросинг барча таркибий қисмлари бор бойлиги ва ўзига хослиги билан янада яхшироқ кўзга ташланади. Биз шарқшуносликни қандайдир «ғарбий фан» сифатида тасаввур этиб келганмиз. Тўғри, Ғарбда бу фаннинг улуғ намояндалари бор, улар орасида биз томонга фақат экзотика кўзойнаги орқали қаровчи баъзи миссионерлар билан бирга, шукурки, халқларимизга ҳақиқий ҳурмат-эҳтиром ҳис қилувчи, кенг феълли, софдил, ҳаққоний, инсонпарвар олимлар кўп. Аммо муҳими— бизнинг ўзимизда бу фаннинг катта тарихи мавжуд. Бу ўзимизда етилган бақувват шарқшунослар авлоди учун кенг фаолият майдонидир. Шаҳобиддин Маржоний каби фидокор олимлар фаолиятини ўрганиш жараёнида биз бунинг янада яққол кўрамиз.

АРИЗАДАН БОШЛАНГАН БАҲС

ЁКИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МАЪМУРИЙ ТЎСИҚЛАР ҲАҚИДА

Мойлисойнинг шўх ва бебош сувлари Маданият қишлоғини тарвуз палласидай тенг иккига бўлиб ўтади. Баҳорда ўзанидан тошиб, аҳолига кўп ташвиш келтирадиган сой ёзда баҳордаги бебошликлари учун узр сўрагандай қишлоққа обиҳаёту тоғнинг мусаффо, сўлим ҳавосини олиб келиб, одамларга сахийлик билан улашади.

Маданият қишлоғининг тепасида, Қўйқулоқ деган жойда жаннатсимон бир боғ бор. Ғарқ пишган турли-туман меваларнинг, анвойи гуллар кўзни қамаштиради. Пастда шарқираб оққан сой боғ тароватига тароват қўшар, нозик таъб ва маҳорат билан қурилган муҳташам бинолар, сўрилар эса боғга ўзгача зеб бериб турибди. Жарлик ёқаси кўп қаватли уйни эслатади: пастдан юқорига қараб кўчатлар қатор-қатор экилган, ҳар бир қаватдаги мўъжаз ариқчада жилдираб сув оқади. Қаватлар орасидаги бетон зинапоялар сизни пастга, сой бўйига, у ердаги уй ва шийпонларга бошлайди...

Бу боғни маданиятликлар Кенжабойнинг боғи деб ҳам айтишади. Сабаби, боғ Кенжабой Мирзажоновнинг ташаббуси ва бевосита иштироки, қалб қўрини тўкиб, меҳр-муҳаббат қўйиб меҳнат қилиши эвазига дунёга келган. Боғга қадам босган одам гуллаб-яшнаб, меваларнинг оғирлигидан шохлари эгилиб турган дарахтларни кўриб, унинг ўрни бир неча йиллар муқаддам ташландиқ, тошлоқ бўлганига ишонгиси келмайди. Мен боғ тарихи билан қизиқиб, бу ерлар аслида «Коммунна» жамоа хўжалигига қарашли бўлганини, хўжалик ер харитасида кўрсатилган уч гектар ердан 1,60 гектари яроқли, лекин сермеҳнат, унумсиз, қолгани бутунлай яроқсиз, тошлоқ эканлигини, бу ерларга хўжалик қизилча, пахта ва бошқа экин экиб, сарфига яраша фойда ололмаганлигини, 1979 йилда бу майдон Маданият матлубот жамиятига ёрдамчи хўжалик қилиб берилганини билиб олдим. Бу ерни боғ қилишга уриниш 1979 йилдан бошланган. Лекин кўчатлар яхши ривожланмабди. 1985 йилда Маданият матлубот жамиятининг раиси Кенжабой Мирзажонов Қўйқулоқдаги ерни боғ қилишга астойдил киришди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига Маданият қишлоғидан депутат бўлиб сайланган Мунисхон опа Эргашева ҳам боғ тарихини яхши биларкан:

— Мен боғ учун Кенжабой Мирзажонов қандай меҳнат қилганини биламан. У катта-катта ҳашарлар уюштирди. Тошлоқларга тупроқ тўктирди, тепаликларни текислатди. Жар ёқасига чим бостирди. Ана шулар ҳисобига ер майдонини кенгайтирди.

Йиллар ўтиб, боғ қўркига кўрк қўшилаверди. Қўйқулоқда етиштирилаётган меваларнинг миқдори йилдан йилга кўпаяверди. Боғ тилга тушди. Пахтаободликлар ва маданиятликлар учун дам олиш, ёшлар учун никоҳ тўйларини ўтказиш масканига айланди.

Вилоят ва республика миқёсидаги идоралар ҳам ўзларининг маданий-маърифий тадбирларини шу боғда ўтказа бошлади. Республика ойнаи жаҳони, матбуоти бу жаннатмисол боғ бунёдкорлари шаънига, саховатига қанчадан-қанча мақтов сўзларини айтди.

Маданиятлик болаларнинг хурсандлигини айтмайсизми? Улар ҳам Кенжабой Мирзажоновдан миннатдор. Чунки боғ маҳсулотлари Кенжабой аканинг ташаббуси билан, энг аввало, мактабларга, боғчаларга берилди-да. Умуман К. Мирзажоновнинг болаларга меҳри ўзгача. Туманда 1—5 синф ўқувчиларини ва куни узайтирилган гуруҳларни бепул фикридан бир қадам ҳам чекинмаган, қайтанга бу ҳақда туман ҳокимлигига ёзган хатида, қишлоқ кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида аниқ таклифлар киритган эди.

Лекин шунга қарамай, боғни хусусийлаштириб бериш ҳақидаги аризани бергандан кейин унинг бошига катта ташвишлар тушди. Ниятлари барбод бўлди, ишлари чаппасига кетди. Боз устига унинг хизматлари жўрттага камайтирилиб, кўрсатила бошланди.

— Боғни битта Мирзажоннинг ўзи қилгани йўқ, — деди вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарувининг раиси Ф. Худойбердиев, — шу иш юзасидан у билан кўришганимизда, — Мирзажонов уни охирига етказган холос. Унинг акаси жиноят содир этиб, бир кишининг ҳаётига зомин бўлди. Мирзажоновнинг ўзи Пахтаобод тумани матлубот жамиятлари уюшмаси раиси пайтида пахта ёғини талон-тарож қилишга йўл қўйган. Ишдан кетган. Мен бундай одамга матлубот жамиятига қарашли бўлган боғни ишона олмайман.

Ҳақиқатан ҳам К. Мирзажоновнинг 71 ёшли акаси жиноят содир этиб, қилмишига яраша жазосини олди. Бироқ, бунинг учун К. Мирзажоновни ҳам қўшиб айблаш мантиққа тўғри келармикан? Андижонда К. Мирзажоновнинг таҳририятга юборган шикоят хати юзасидан баъзи бир идораларга кирганимда акаси қилган жиноятни К. Мирзажоновга ҳам тақаб гапиришгани, гапнинг очиғи, мени ажаблантирди.

Пахта ёғи масаласига келсак, К. Мирзажонов жавобгарликка тортилмаган. Суддан берилган маълумотнома ҳам бу иш бўйича унинг ҳеч қандай айби йўқлигини тасдиқлаб турибди. Ишдан эса ўз аризасига биноан бўшаган. Умумий овқатланиш корхонасидаги айрим ходимлар раҳбарлар кўрсатмасини бузиб, нафс кўчасига киришиб, давлат мулкини ўзлаштиришган. Тергов бу жиноий ишда К. Мирзажоновнинг айби йўқлигини кўрсатди. Тўғри, бу билан К. Мирзажоновда ҳеч қандай камчилик йўқ демоқчи эмасмиз. Иш бор жойда камчиликнинг бўлмаслиги мумкин эмас. Лекин бировга баҳо бераётганда унинг ютуқ ва камчиликларини тўғри ва тўла келтириб ўтиш лозим эмасми? Кенжабой аканинг иш фаолиятида айтса арзигулик ютуқлар йўқ эмас. Туман матлубот жамиятлари уюшмасига у кўп йил раҳбарлик қилди. Шундан қаторасига уч йил у раҳбарлик қилган идора вилоятда биринчиликни олиб келган. Умумий овқатланиш корхонаси ҳам вилоятда пешқадам эди. Уйғур қишлоғида савдо расталари, Охунбобоев жамоа хўжалигида 3 гектар боғ ва туман аҳолиси учун «Соҳиб» деб аталадиган дам олиш маскани барпо этган. Туман тайёрлов идораси биносида вилоят матлубот жамиятлари уюшмасининг раиси Ф. Худойбердиев, — шу иш юзасидан у билан кўришганимизда, — Мирзажонов уни охирига етказган холос. Унинг акаси жиноят содир этиб, бир кишининг ҳаётига зомин бўлди. Мирзажоновнинг ўзи Пахтаобод тумани матлубот жамиятлари уюшмасининг раиси пайтида пахта ёғини талон-тарож қилишга йўл қўйган. Ишдан кетган. Мен бундай одамга матлубот жамиятига қарашли бўлган боғни ишона олмайман.

Ҳақиқатан ҳам К. Мирзажоновнинг 71 ёшли акаси жиноят содир этиб, қилмишига яраша жазосини олди. Бироқ, бунинг учун К. Мирзажоновни ҳам қўшиб айблаш мантиққа тўғри келармикан? Андижонда К. Мирзажоновнинг таҳририятга юборган шикоят хати юзасидан баъзи бир идораларга кирганимда акаси қилган жиноятни К. Мирзажоновга ҳам тақаб гапиришгани, гапнинг очиғи, мени ажаблантирди.

Пахта ёғи масаласига келсак, К. Мирзажонов жавобгарликка тортилмаган. Суддан берилган маълумотнома ҳам бу иш бўйича унинг ҳеч қандай айби йўқлигини тасдиқлаб турибди. Ишдан эса ўз аризасига биноан бўшаган. Умумий овқатланиш корхонасидаги айрим ходимлар раҳбарлар кўрсатмасини бузиб, нафс кўчасига киришиб, давлат мулкини ўзлаштиришган. Тергов бу жиноий ишда К. Мирзажоновнинг айби йўқлигини кўрсатди. Тўғри, бу билан К. Мирзажоновда ҳеч қандай камчилик йўқ демоқчи эмасмиз. Иш бор жойда камчиликнинг бўлмаслиги мумкин эмас. Лекин бировга баҳо бераётганда унинг ютуқ ва камчиликларини тўғри ва тўла келтириб ўтиш лозим эмасми? Кенжабой аканинг иш фаолиятида айтса арзигулик ютуқлар йўқ эмас. Туман матлубот жамиятлари уюшмасига у кўп йил раҳбарлик қилди. Шундан қаторасига уч йил у раҳбарлик қилган идора вилоятда биринчиликни олиб келган. Умумий овқатланиш корхонаси ҳам вилоятда пешқадам эди. Уйғур қишлоғида савдо расталари, Охунбобоев жамоа хўжалигида 3 гектар боғ ва туман аҳолиси учун «Соҳиб» деб аталадиган дам олиш маскани барпо этган. Туман тайёрлов идораси биносида вилоят матлубот жамиятлари уюшмасининг раиси Ф. Худойбердиев, — шу иш юзасидан у билан кўришганимизда, — Мирзажонов уни охирига етказган холос. Унинг акаси жиноят содир этиб, бир кишининг ҳаётига зомин бўлди. Мирзажоновнинг ўзи Пахтаобод тумани матлубот жамиятлари уюшмасининг раиси пайтида пахта ёғини талон-тарож қилишга йўл қўйган. Ишдан кетган. Мен бундай одамга матлубот жамиятига қарашли бўлган боғни ишона олмайман.

Ҳақиқатан ҳам К. Мирзажоновнинг 71 ёшли акаси жиноят содир этиб, қилмишига яраша жазосини олди. Бироқ, бунинг учун К. Мирзажоновни ҳам қўшиб айблаш мантиққа тўғри келармикан? Андижонда К. Мирзажоновнинг таҳририятга юборган шикоят хати юзасидан баъзи бир идораларга кирганимда акаси қилган жиноятни К. Мирзажоновга ҳам тақаб гапиришгани, гапнинг очиғи, мени ажаблантирди.

Пахта ёғи масаласига келсак, К. Мирзажонов жавобгарликка тортилмаган. Суддан берилган маълумотнома ҳам бу иш бўйича унинг ҳеч қандай айби йўқлигини тасдиқлаб турибди. Ишдан эса ўз аризасига биноан бўшаган. Умумий овқатланиш корхонасидаги айрим ходимлар раҳбарлар кўрсатмасини бузиб, нафс кўчасига киришиб, давлат мулкини ўзлаштиришган. Тергов бу жиноий ишда К. Мирзажоновнинг айби йўқлигини кўрсатди. Тўғри, бу билан К. Мирзажоновда ҳеч қандай камчилик йўқ демоқчи эмасмиз. Иш бор жойда камчиликнинг бўлмаслиги мумкин эмас. Лекин бировга баҳо бераётганда унинг ютуқ ва камчиликларини тўғри ва тўла келтириб ўтиш лозим эмасми? Кенжабой аканинг иш фаолиятида айтса арзигулик ютуқлар йўқ эмас. Туман матлубот жамиятлари уюшмасига у кўп йил раҳбарлик қилди. Шундан қаторасига уч йил у раҳбарлик қилган идора вилоятда биринчиликни олиб келган. Умумий овқатланиш корхонаси ҳам вилоятда пешқадам эди. Уйғур қишлоғида савдо расталари, Охунбобоев жамоа хўжалигида 3 гектар боғ ва туман аҳолиси учун «Соҳиб» деб аталадиган дам олиш маскани барпо этган. Туман тайёрлов идораси биносида вилоятда биринчи бўлиб, консерва тайёрлаш цехи қуриб, ишга туширган. Булар ва Маданиятда тикиш, тўқиш цехи очиб, 80 дан зиёд хотин-қизлар учун иш ўринлари яратгани, Қўйқулоқдаги боғ учун Бобур номли вилоят мукофоти соҳиби бўлганлиги, республикамизда биринчи бўлиб Маданият қишлоғида мактаб ўқувчиларига марказлашган ошхона қуриб ишга туширгани учун «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» деган нишонга сазовор бўлганлиги, ва нидаромад қилди. Ишлар шу тариқа анча юришиб турганда пул ўтказилиб берилмаганлиги учун электр қувати узиб қўйилди. Электр токини эса қўшни Қирғизистондан олишар, бунинг учун нақд пул ўтказиб беришлари керак эди. Мадад сўраб яна раҳбарларга мурожаат қилишга тўғри келди. Яна ҳеч ким кўмак бермади...

Электр токи узиб қўйилгани оқибатида корхона 30 миллион сўм-купондан ортиқ зиён кўрди. Музқаймоқ ва консерва тайёрлаш цехлари ишга туширилмади. 12 киши ишсиз қолди.

К. Мирзажонов ўз хатида яна КЭП — 400 маркали печда булка нон пишириш учун уларда барча имкониятлар борлигини айтганди. Ф. Худойбердиев шуни била туриб, катта маблағ сарфлаб, Маданият қишлоғида булка нон ишлаб чиқарадиган бошқа цех очганлиги бизни ажаблантирди. Ахир янги цех қуриш ўрнига тайёр имкониятлардан фойдаланса, ўша булка цехини вилоятдаги бошқа бир шунга эҳтиёжи катта бўлган жойда қурса бўлмасмиди?

Яна бир гап: К. Мирзажоновда тайёр қандолат цехи бор дедик. Электр қуввати бўлса цех тўла қувват билан ишлайверади. Бу цех ишга чанқоқ бўлиб турганда айни шу юқори идора томонидан Маданиятда яна битта қандолат цехи қурилганига нима дейсиз?

Ишлаб чиқариш даражасини кўтариш учун эҳтиёт қисмлар, дастгоҳлар етишмаётган, маҳсулотлар танқислиги туфайли нарх-наво муттасил ошиб турган пайтда биров «мана биз маҳсулот ишлаб чиқарамиз» деб чиқса, унга бор имкониятларни ишга солиб, ёрдам бериш ўрнига ўзини эшитмаганликка солса, буни қандай тушуниш мумкин?

●

1994 йил 5 апрел куни Маданият қишлоғида вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарувининг кўчма йиғилиши бўлди. Унинг қарорига биноан бир қанча туманлардаги матлубот жамиятлари, шу жумладан Маданият қишлоғидаги матлубот жамияти ҳам тугатилди. Натижада кўп кишилар, хусусан 40 йиллик иш тажрибасига эга бўлган К. Мирзажонов, 23 йиллик иш стажи бўлмиш унинг турмуш ўртоғи Д. Мирзажонова, яқиндагина институтни тугатиб келган ўғли Ж. Мирзажоновлар штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилдилар.

Худди шу куни К. Мирзажоновнинг боғни хусусийлаштириб бериш тўғрисидаги аризаси ҳам муҳокама этилиб, рад қилинди. К. Мирзажонов ишдан четлаштирилди, боғга бутунлай бошқа одам — Обиджон Отанаев, цехларга эса Қодиржон Алихонов раҳбар этиб тайинландилар. Шундай қилиб К. Мирзжонов ҳам ишдан, ҳам боғдан маҳрум бўлди.

Шу ерда бир гапнинг ўрни келиб қолди: вилоятнинг бош савдо идорасида қонунларни менсимаслик одатлари борга ўхшайди. Жалолқудуқ тумани матлубот жамиятининг раиси Абдусалом Мирзаевни асоссиз ишдан бўшатган деб, Андижон шаҳар суди вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарувининг қарорини бекор қилган эди. Суднинг бу қарори бир яр

УЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

Боши биринчи бетда

Ёзувчилар уюшмаси 30-, 40-, 50-йилларда айрим камчилик ва хатоларга йўл қўйганлигига қарамасдан, маданиятимиз тарихида шубҳасиз катта рол ўйнади. Марҳамат, уни яхшилаб кўзлонланглар. Бир-бирларинг билан аҳил бўлинглар. Қўлни-қўлга бериб, халқимиз учун чин дилдан хизмат қилинглар. Насиб этса, тўйларингизда биз ҳам иштирок этамиз, дедилар.

Мана, шу суҳбатнинг бўлиб ўтганига бир ҳафта бўлди. Лекин мен, фақат менгина эмас, унда иштирок этган ёзувчи ва санъаткорлар ва ҳатто давлат арбоблари — ҳаммамиз унинг таъсирида юрибмиз. Ўйлайманки, юртбошимиз биздан хиёл гина қилиб гапирганида шубҳасиз ҳақли эди. Албатта, ҳанузгача мустақилликнинг қадрини билмай келаётганларга нисбатан унинг қадрини билувчилар, ундан ифтихор қилувчилар, бор-йўғи уч йилда қилинган кўп яхши ишларни ҳаяжон билан кузатиб турганлар сони юз баробар, балки минг баробар кўпдир. Бу мустақилликни фақат бизнинг авлод эмас, чор аскарларининг этиклари тагида топталган боболаримиз, қизил болшевиклар ҳукмронлик қилган машъум йилларда ҳибсхоналарда изтироб чекиб ётган Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби халқимизнинг севимли фарзандлари кечалари мижжа қоқмай орзу қилган, тушларида кўрган.

МЕН АМИНМАНКИ, бизнинг дастлабки оғир, лекин шарафли қадамларимиз, қўлга киритган илк муваффақиятларимизни кўролмайдиган айрим калтабин инсонларнинг яқин йилларда кўзлари очилади. Энди ўз она юртини, ёру биродарларини, халқи ва ватанини, виждонини сотиб қетиб, узоқдан туриб ота юртига тош отаётганларга келсак, улар туғилгандаёқ хоинликка маҳкум этилган кўрнамаклардир. Албатта, халқимизда ит ҳуради, карвон ўтади, деган ҳикматли нақл бор. Лекин, мен ўйлайманки, карвон ўтаверади, деб уларни акиллатиб қўйиш ҳам тўғри эмас. Бу масалада суҳбат чоғида ёзувчиларга айтилган гаплар, душманни вайсатиб, индамай сукутга тушиб ўтириш яхши эмас, деган фикрларга тўла қўшилмоқ даркор. Яқинда Ёзувчилар уюшмаси билан Республика Ёшлар иттифоқи биргаликда мустақиллик йўлида эришган ютуқларимизни, самарали ва савоб ишларимизни тарғиб қиладиган ўндан ортиқ бригадалар тузди. Бу савоб ишга энг истеъдодли ёшлар, ўрта бўғин ва ҳатто оқсоқол ёзувчиларимиз ҳам мамнуният билан бош қўшдилар. Яқин кунларда улуғ давлатимизнинг шоир ва ёзувчилари, санъатқорлари чиқишлари бошланади. Ишонаманки, истиқлолга эришган мамлакатимиз ҳақида юртбошимиз даъват қилган чин эҳтирос билан ёзилган фалсафий-теран мақолалар ва чиқишлар ҳам бўлади. Ҳар ҳолда улуғ айём арафасида ҳар биримиз эркинликка чиққан Ватан учун нима қилдик, қўлимиздан келган ҳамма ишларни қила олдикми, йўқми, деган саволни қўядиган давр келди.

Улуғ байрамингиз муборак бўлсин, азиз газетхонлар.

ИХТИЁР РИЗОНИНГ ИҚТИДОРИ

Икки оғиз дил сўзи

Ихтиёр Ризо Тошкентда бизнинг даврамизда пайдо бўлганида 30 ёшларда эди. Адабий воқеалардан энг олдин ҳабар топадиган Рауф Парфи: «Озарбойжондан бир шоир келибди, яхши шеърлари бор экан», деди бир куни. Рауф, одатда, бениҳоя ҳассос, бировнинг шеърини камдан-кам мақтар эди. Ихтиёр Ризо билан танишдик, даврамизга олдик. Шеърларини биринчи бўлиб мен ўзбекчага ўгирдим. Янглишмасам, «Ёш ленинчи» газетасида «Менга фикр айтинг» деган шеъри чиққан эди...

Менга фикр айтинг,
озодсиз ахир,
Сиз ахир оловсиз,
сиз ўтсиз ахир.
Ахир кимдан қўрқурсиз,
Ахир недан қўрқурсиз!!
Бир марта туғилган бир
марта ўлар...
Ахир кимдан қўрқурсиз,
Сиз, атом даврининг ювош
фарзандлари...

Ихтиёр Ризо ҳеч ким ўйламаган, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, нодир ва таъсирли ҳодисаларни топар ва шеърга солар эди. Чунончи, уруш йиллари Олмонияда инсон тирисидан папка ясаганлари тўғрисида бир шеър ёзганди: «Келинг, бу папкаларни ювайлик, тозалайлик, тупроқка берайлик, қардошларимизнинг териларини...» Бу ва бунга ўхшаган бир қатор шеърлари менинг тержимамда «Шарқ юлдузи» журналида босилиб чиқди.

Орадан кўп ўтмай, у шеърларини ўзбекча ёза бошлади. Аста-секин ўзбек шоири бўлиб танила бошлади. Энди у даврамизда ҳеч кимдан қолишмайдиган, балки кўпларни орқада олдириб кетган шоирга айланди. Ҳамма вақт кутилмаган ҳаётий деталлар кашф этарди, кўпчилик эътибор бермаган нарсаларнинг шоирона томонини топиб, ҳаяжонли сатрларга жо қиларди. Бир куни у «Тошдарахт» деган бир шеър ёзди. Тошкентдаги геология институти остонасида 90 минг ёшли, тошга айланиб кетган бир дарахт қўйилган экан. Ана шу тошдарахт билан суҳбатлашади шоир ва 90 минг йил бурунги воқеалар ҳақида суриштираркан, даврримиз ҳақида, дунёнинг оғриқли воқеалари ҳақида ҳикоя қилади. «Менинг йўқсул фикрларим» шеърида ўз ижодий қисматининг заҳматлари билан ўртоқлашади. Ихтиёр Ризонинг бу ва бошқа шеърлари ўзбек зиёлилари эътиборидан четда қолди, деёлмайман. Бошқалар ҳам «Менинг йўқсул фикрларим» мавзуида шеър ёздилар. Раззоқ Абдурашид «Тошдарахт» шеърига жавоб ёзди. Камина ҳам «Менга фикр айтинг» шеърига жавобан «Шеъриятдан ўтинч» сарлавҳали шеър ёздим. Бир қатор шоирлар унга ўз шеърларини бағишладилар. Университет талабалари уни жон-жон деб учрашувлар, давра суҳбатларига таклиф қила бошладилар. Ихтиёр Ризо турли йиғинлар, маросимларнинг ҳурматли меҳмонига айланди. Бунинг сабаби шундаки, у ўз шеърларида юраги билан халқимизнинг фарзанди бўлиб куйларди. «Зижи Кўрагоний» шеърида «Тарих — Бағри қон Она Сукунат меҳри билан Аллалаб турипти, кўзларида Минг ўн саккиз юлдуз» деб ёзган эди.

Бир куни чойхонада бир қаламкаш (мукофот совриндори) танишимиз Ихтиёр Ризони менсимай, калака қилишга уринди.

— Менга қара, иним, бутун ёзганларингни, ўзинг ва ўзингга ўхшаган оғайниларингни олиб тарози палласига чиқсанг ва бир палласига менинг ёзганларимни қўйсак, осмонга чиқиб кетасан ликиллаб, — деди унга Ихтиёр Ризо.

Бугун мана шу Ихтиёр Ризо олтмишга кирибди. Одам ишонгиси келмайди. Ҳар қалай, у бугун ўзбек шериятининг таниқли вакилига айланди. Аммо ҳозиргача бор-йўғи 5—6 китоб чиқарибди, холос! Аслида 5—6 жилд чиқариш имконига эга эди. Ва бу гапим муболағасиз. Шунга қарамай, мен Ихтиёр Ризони ўзбек шеъриятини шарафини кўтара оладиган ғоят иқтидорли шоирлардан бири деб биламан.

Шошил, Ихтиёр! Бу ёғига умр оз қолди. Ёзганларингни, қандай қилиб бўлса ҳам, эгаларига етказ. Сенга омонлик тилаб, дўстинг

Миразиз АЪЗАМ

ФЕРУЗ ТАВАЛЛУДИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Саидпошшо ИСМОИЛОВА:

БОБОЛАРИМ ШОИР, МАЪРИФАТПАРВАР ЭДИЛАР

Маълумки, бу йил республикамизда шоир ва маърифатпарвар инсон, узоқ йиллар Хева хонлигида ҳукмронлик қилган Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон Соний — Феруз таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланади. Бу тўйга атаб шоир асарлари, у ҳақда битилган тарихлар қайта нашр қилинмоқда. "Шунингдек, Ферузни, унинг авлодларини билган, кўрган ва улар ҳақида эшитган одамларнинг хотиралари матбуот саҳифаларида чоп этилмоқда. Феруз ҳақидаги бу галги суҳбат унинг чеварасн, айни кунларда Тошкентда умргузаронлик қилаётган Саидпошша Исмоил тўра қизи билан бўлди.

— Сиз хонлар авлодига бвосита бориб боғланадиган шажара вакилисиз. Бу хонадон вакиллари ҳаётига оид кўп нарсалар эшитгансиз. Феруз, Исфандиёрхон, Исломхўжа хонадони, уларнинг атрофларидаги шахслар ҳақида гапириб берсангиз.

— Бу савол кўп нарсаларни эсимга солди. 30-йилларнинг бошлари (ота томонидан бувам Матёқуб тўра, отам Исмоил тўра, онам Ўғилжон бика — Исфандиёрхоннинг қизи) Шўро қўвғинига учраб Тошкентга келишган. Бобом, «Биз тегирмончиларданмиз», деб Чорсу маҳалласига бир амаллаб ўрнашиб олган... Совуқ қиш кечалари ҳаммамиз бир уйга қамалиб олиб, бобом ва бувимнинг Феруз, Исфандиёр бобом, Исломхўжа ҳақидаги гаплари жон қулоғимиз билан тинглардик. Айрим пайтлари мен чой олиб келишга турардим. Ўшанда гапираётган бувам ёки бувимдан: «Мен келгунча гапирмай туринг», деб илтимос қилардим. Улар чой олиб келганимдан кейин, худди ўша жойдан ҳикояларини давом эттиришарди. Афтидан, бу гаплар қоғозда бўлмаса-да, невара-чеваларнинг қулоқларида қолсин, деб ўйлашган бўлишса керак. Бувам Матёқуб тўранинг бир гапи эсимда. У киши: «Муҳаммад Раҳимхон Соний—Феруз саййидлар авлодидан бўлиб, шажаралари Аҳмад Яссавий, Арслонбоб, шайх Сулаймон, ундан сўнг ҳазрати Алининг насларига бориб тақалади», деган эди. Матёқуб тўра Теруз бобомни «Улкан гавдали, бошлари катта, қизил юзли, фариштали одам эди», деб таърифлагани эсимда. Бобом 48 йил хон бўлган бўлса, шу давр давомида беш вақт намозни канда қилмаган... Отаси Саййид Муҳаммадхон қазо қилганида Феруз бобом ёш бўлган, вояга етгунларича тоғаси — Хонқа ҳокими Иброҳимхўжа ва онаси давлатни бошқаришган.

Катта бобом болаларни жуда яхши кўрган. Оилавий давраларда дастурхон атрофида болаларни тиззаларига олиб ўтириб, уларга овқат едираркан, улар билан ярим кечагача ўтириб суҳбатлашишни яхши кўрар экан. Бобомнинг олти ўғил, бир қизи бўлган. Ўғилларидан биронтасини ётқизганларида, аёнларининг болаларидан ҳам бир қанчасини биргаликда қўшиб, суннатни Ўтар бувага (шоир Аваз Ўтарнинг отаси) қилдирган. Ҳар сафар бир айвон, бир уй боланинг ҳаммасига ўзи пул улашиб, оёққа турганларида ётган кўрпа-тўшакларини, бош-оёқ сарполарини бериб юборар эканлар. Оилавий давраларда Феруз бобом деҳқонча жомакорини кийиб ўтираркан. Қизи Бекпошшабика бу ҳолнинг сабабини тушунмай, бир гал: «Бизлар ҳаммамиз боймиз, фақат отам камбағал», деб йиғлаган экан. Буни у кишининг қизи Адилпошша момом (Феруз бобомнинг невараси) гапириб берганди.

Бобом гулларни яхши кўрган. Кўпинча қўлларига тоққайчи олиб, гулларнинг ичида қандайдир сўзларни хиргойи қилиб юрган. Кейинчалик қўл-оёқлари ишламай қолганида ҳам ўзи ўтирган махсус аравачани гулзорга яқинроқ қўйишларини илтимос қиларкан.

Катта бобом яхши кўрадиган нарсалардан яна бири от бўлган. Бобом оила аъзолари билан ёзда Қибла Тозабоғда, кузда Орқа Тозабоғда яшашган. Аёнлари билан дарё бўйларига сайрга чиқишган, ўшанда у киши минадиган саман отлар кўп бўлган. Куй чалинса ўйнаб кетадиган ўйинчи отлари ҳам бор экан. Чопқир отлар, жангчи отлар, учқур туркман отларини отбоқарлар яхшилаб парвариш қилишган...

— Ҳозир Феруз тўғрисида кўп ёзишяпти. Мақолаларда аждодларингиз ҳақида ҳар хил сўзлар айтилмоқда, фикрлар билдирилмоқда. Сиз улар ҳақида нима дейсиз?..

— Ҳа, Хоразм ҳақида, Феруз ҳақида ёзилганларни мутассил ўқиб бораётирман. Гулсара Исмоилова, Нусратулла Жума Хўжа, Давлатёр Раҳим, Раҳим Жуманиёз кабиларнинг ёзганларида тарихимиз бир қадар тўғрироқ ёритилган. Баъзилари мендан ҳам маълумотлар олишган. Ҳолбуки, шу пайтгача хонлик тузумигагина эмас, тарихимизга, аждодларимизга қора буёқ суркаб келинди ёки умуман ўрганилмади. Айниқса, бобом Исфандиёр ҳақида ножоиз гаплар кўп айтилди. Табиий-ки, бундан ранжидик. Ваҳолан-ки, ўзим бобомни кўрган-билганлардан эшитганларим бўйича, у киши табиатан ғайратли, меҳнаткаш, зеҳнли киши бўлган. Асосий касби заргарлик бўлган, шу билан бирга савдогарлик билан ҳам шуғулланган, шеърлар ёзган. Феруз бобом уни ёшликдан тарбиялаб, кўп касбларни ўрганиши учун йўл очиб берган. Хонлик тахтига ҳам бобом васиятлари билан қўйилган. Шундай улуғ одамнинг тарбиясини олган ва юксак мансабга раво кўрилган бир инсоннинг шунчалик ноқобил бўлганига ишониш қийин. Айтишларича, Хеванинг одиққан (атоқли) савдогарига қўшиб қўйган. Бобом у билан бирга бир неча бор Бухоро, Самарқанд, Ҳирот, Кобул ва Россия шаҳарларига ҳам бориб келган. Нуруллабойдаги ҳозир музей бўлиб турган ҳашаматли иморатни Исфандиёрхон ўзининг савдогарлик ва заргарликдан топган маблағи эвазига қурдирган. Дарвоқе, қатлиом йилларида Нуруллабойдаги бинонинг Исфандиёрхонга тегишлилиги ҳақидаги қоғоз уй хизматчиларидан бири — Онажон момода сақланиб қолган экан. 1960 йилда ўша кексайиб қолган кампир менга одам юбориб, «Мен қариб қолдим, Саидпошшага айтинглар, ўша уйнинг қоғозини бераман. Олдимга келиб кетсин», дер хабар берганди. Тўғрисини айтсам, мен ўша пайтда ҳам боришга қўрқканман, чунки хон авлоди эканимни билдиришга ботинолмасдим. Худога мингларча шукур, мустақиллигимиз туфайли, Президентимизнинг фармони билан бобомнинг, яъни Ферузнинг 150 йиллиги нишонланадиган бўлди. Гапдан чалғиб кетдим шекилли, Хўш, ўша қоғозни олдим ҳам дейлик. Мен уни нима ҳам қилардим, деб ўйлаганман. Гап Исфандиёрхоннинг феъл-атвори, касб-корлари ҳақида эди. Исфандиёр ҳам отасига ўхшаб, шоиртабиат киши бўлган. Шеърларини девон қилдиришга ҳаракат қилган, лекин бевақт ўлим бунга йўл бермаган. У ҳам Феруз бобомизга ўхшаб болажон экан. Ҳар куни эрталаб болар отаси ҳузурига саломга келишган, катталари олдин, кичиклари кейин. Уларнинг ҳаммасини тенг кўрган. Бошқа шаҳарларга бориб, совға-салом олиб келганида, совғаларни ўртага уюб қўяркан. Ҳар бир бола, аёллар керагини олишаркан, биронтаси: «Менга яхши совға олиб келмади», деб ўйламасин дея шундай қилган бўлса ажабмас. Эрталабки чойда ҳам, тушлик ва кечки овқатда ҳам оилалари билан бирга бўлган. Болаларининг ҳаммаси жам бўлмагунча, овқатга қўл узатмас экан. Момом Шукуржон бикининг айтишича, хотинлари эгизак туққанда, қайси бири биринчи туғилди деб сўраган ва ўзига аввал Зуҳрони, кейин Тоҳирни кўрсатишларини ўтинган экан...

— Исфандиёрхоннинг ўлими ҳақида турли манбаларда ўқиганмиз. Сиз бу ҳақда яналм аниқроқ нима дея оласиз?

— Шукуржон момомнинг айтишича, ўшанда қора узум пишган пайтлар экан. Исфандиёрхон бобом нонушта пайти болаларини йиғиб овқатланган, болалардан ҳар бирининг оғзига узум тутган. Сўнг Шукуржон момомнинг қўлидан ушлаб, боққа олиб чиққан. Боғда кеча кўрган тушини айтиб берган: «Тушимда Хоразмшоҳни кўрдим, катта боғнинг дарвозаси олдида қўлларида гул билан мени кутиб турган экан. Мени кўришлари билан «Сизни уч кундан бери кутаман», дедилар-у гулни бериб, боғнинг ичкарисига олиб кириб кетди. Умрим охирлаганга ўхшайди», деган. Момом бўлса ундай деманг, деб йиғлаган. Кейинчалик маълум бўлишича, Исфандиёрхон бобомнинг қотили Эшши уч кундан буён Хевада бўлиб, уни ўлдириш учун пайт пойлаётган экан. Ўша куни у арзга кирган киши бўлиб, енг ичидаги пичоғи билан бобомни ўлдирган экан.

— Исфандиёрхон ва Исломхўжа ўрталаридаги муносабатлар, уларнинг бир-бирига душманлиги, Исломхўжанинг тараққийпарварлиги-ю Исфандиёрхоннинг золимлиги ҳақида кўп ёзишган. Бу ҳақда қандай маълумотлар эшитгансиз?

— Ҳар кимнинг гуноҳ-савобини Аллоҳ таолло эгамнинг ўзи билади. Гуноҳига яраша жазо, савобига яраша мукофот бўлади. Мен ўтганларнинг отларини тилга олиб, безовта қилганим учун уларнинг руҳлари олдида кечирим сўрайман. Аммо ўзим эшитган воқеаларни айтиб кетмасам, мен ҳам гуноҳкор бўлардим. Исломхўжа асли Феруз бобомнинг тоғаси Иброҳим хўжанинг ўғли бўлади. Исфандиёрхон унинг қизи Азизпошшога уйлаган. Демак, Исломхўжа ҳам тоға, ҳам қайната бўлган. Уларнинг оралари дастлаб яхши бўлган. Иккаласи Петербургга бож олиб борганлари ҳам рост. Исфандиёрхон бувам ўзи икки тилла қилич ясаб, уни нақшлар билан безаган. Унинг бирини Россия подшосининг касал ўғлига совға қилган. Касал ўғлининг бу совғадан ниҳоятда шодланганини кўрган подшо улар олиб борган божларини ўзларига қайтариб, шу пулга касалхона ва почта қурдиришни айтган. Кейинчалик Хевада Полвон ёп (анҳор)нинг ёнида ҳашаматли касалхона ва унга қарама-қарши томонда почта биноси ҳамда дўхтирларнинг яшашлари учун шахсий уйлар қурилган. Исфандиёрхон вақти-вақти билан хазинани текшириб турган. Бир куни хазинага кирсалар икки сандиқнинг ўрни бўш. Бобом буни хазинабондан сўраса у: «Бир қошиқ қонимдан ўтинг», деб бу сандиқларни Исломхўжа олиб кетганлигини айтган. «Сиз хазинага Исломхўжа 'билан бирга келинг ва унинг олдида сандиқларни мендан сўранг», деган. Тез орада Исфандиёрхон Исломхўжа билан яна хазинани «текшириш»га келишган. Хазинабон: «Сандиқларни вазири аъзам Хўжам олиб кетди», деган. Шу орада хазинабон ўлдирилган. Унинг хотини арзга келиб, эрини олиб кетганлар орасида Исломхўжа ҳам борлигини айтган. «Уларнинг ҳаммасини кўриб тургандим, мени ётқизиб, кўрпага ўраб ташладилар», деб йиғлаган экан. Шундан кейин хазинабоннинг хотини ҳам ўлдирилган. У бир аёлнинг ёлғизгина қизи экан. Ўша аёл қизини хунуни сўраб келган. У ҳам келганлар орасида Исломхўжа борлигини айтган. Шу тариқа ўлим ўлимга сабаб бўлган. Булар менинг отамдан эшитганларим. Мен бу одамларга баҳо бермоқчи, уларнинг бирини улуғлаб, иккинчисини ерга урмоқчи эмасман. Бу қилни қирқ ёрадиган тарихчиларнинг иши. Мен эшитганларимни айтдим, холос.

— Хон хонадони бошига тушган, ўзингиз гувоҳ бўлган воқеалардан ҳам гапириб бергансиз?

— Нимани ҳам гапирардим. Эсимни таниганимдан кейин қама-қама, тинтувларни кўрдим. Бир куни уйимизга калта минорли Бекпўлат, Аҳмад деган кишилар бостириб киришди. Уйда Раҳима опа деган танишимиз ҳам бор эди. Бизларнинг ҳаммамизни битта уйга қамади. Раҳима опага: «Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан», деб милтиқдан ўқ узиб қўрқитиб, уйдан чиқариб юбордилар. Бизлар қўрқувдан ганг бўлдик. Шунда Хитой рўмолларининг ҳар биридан юстадан, тилла қандиллар, олтин қошиқлар, олтин-кумуш заргарлик буюмлари, ипак пашшахоналарни олиб кетдилар. Раҳима опа ўзи гувоҳ бўлган бу воқеаларни Тошкентда ишлайдиган ўғлига айтиб берган. Ўғли эса НКВДга айтган ва ноҳақ тинтув ўтказганликлари учун Бекпўлат ва Аҳмадни суд қилиб, 10 йилга қамашди. Бизларнинг уйимиз 1920 йилдан то 1930 йилгача деярли ҳар йили тинтув қилинарди. Шўро вакиллари истаган пайтда кириб, гилам, палос, кўзга кўрнган нарсаларни ё хат қилиб, ё хат қилмай олиб кетаверишарди. Шўро ҳукумати ҳеч тинчлик бермасди. 30-йилларнинг бошида оиламиз Тошкентга кўчиб келди. Бир-икки йил ўтгач хон авлодидан эканлигимизни бу ердагилар ҳам билиб қолишди. Шукуржон момомни икки марта суд қилишди. Турмада олти ой ўтириб ҳам чиқди. Нарсаларимизни тортиб олишди.

Энг даҳшатлиси, Исфандиёр бобомнинг ёлғиз ўғли (Бошқа ўғиллари Темурғози тўра ва Тоҳир тўра ёшлигида вафот этишган) Саид Муҳаммад тўрани (Биз уни бобомнинг исми қўйилгани учун Бобожон оға дердик), яъни тоғамни 1938 йили 25 ёшида ҳибсга олиб, «хоннинг ўғлисан» деб отиб ташлади. Момом шундан кейин ёлғиз ўғли доғида куя-куя вафот этди. Эндиликда Исфандиёрхоннинг ёлғиз ўғлини сақлаб қололмаганимиз учун юрагимиз ўртанади, куяди. Чинки бунинг ўшанда имкони бўлган экан. Гап шунда-ки, Феруз бобом Туркияда бўлганида ўша пайтнинг анъанаси бўйича унга Туркия подшоси вазирининг қизи Робияжонбикани тўй-томоша қилиб никоҳлаб беришган. Робияжонбиканинг укаси эса 30-йилларда Москвада Туркиянинг элчихонасида ишлаган. Қатлиом йилларида опаси Робияни олиб кетишга бир одам юборган. Робияжонбика эса Саид Муҳаммадни ҳам олиб кетай, деб зорланган экан. Исфандиёрхоннинг ёлғиз ўғли бўлганлиги учун уни яқинларимиз узоққа бериб юборишмаган. Ҳозир ҳаммамиз афсусланамиз, лекин илож қанча. Фожиа юз берib бўлган. Ҳар гал тоғамни эслаб, руҳларига дуо қиламан. Қотилларни лаънатлайман.

Бошқа қўлимдан нима иш ҳам келарди.

Худога беадад шукурлар бўлсин-ки, эндиликда замонамиз яхши томонга ўзгарди. Ҳақиқат рўёбга чиқмоқда. Боболарим руҳлари шод кезмоқда. Бунинг учун мустақиллигимиздан қувонаман. Мендек эзилган бир аёлнинг, кампирнинг ҳам юзлари табассумда. Ўлгунимча, мустақиллигимиз абадий бўлсин, деб дуо қилажакман. Олтита неварам бор. Яқинда еттинчи неварам туғилди. Исмини бобомнинг ҳурмати учун Феруз деб қўйдик. Илоҳим боболаридай маърифатли инсон бўлиб етишсин!

Ботир ЖУМАНИЁЗ ўғли ёзиб олди

ТЕАТР ТОМОШАБИНСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Пойтахтимиз театрларининг дам олиш мавсумлари тугаб, ижодий жамоалар бирин-кетин қадрдон масканларини тўлдирмоқдалар. Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик Катта театри ҳам эртага, республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги арафасида ўзининг навбатдаги янги мавсумини очади. Шу муносабат билан театрнинг ижодий ишлар бўйича директор ўринбосари АҲМАДЖОН РАҲИМОВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.



— Аҳмаджон ака, аввало, театрнинг навбатдаги мавсуми очилиши билан табриклаймиз. Ўйлаймизки, бу мавсум ҳам мухлисларни мамнун қиладиган воқеаларга бой бўлади.

— Раҳмат. Албатта, ҳар бир театрнинг биринчи навбатдаги вазифаси ўз мухлисларини йўқотиб қўймаслик ва уларнинг сони ҳамиша ортиб боришини таъминлашдир. Бу йил биз ишимизнинг йўналишини Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобидаги фикрлар асосида белгилаб олдик десам хато бўлмас. Унда жумладан, шундай сатрлар бор: «Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга, миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўпмиллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас». Маълумки, ҳар бир халқнинг миллий қўшиғи, мусиқаси орқали шу халқ маданияти, турмуш тарзи ҳақида бемалол тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бинобарин, ҳар бир халқ санъати жаҳон санъатидан баҳраманд бўлган ҳолда ривожланади. Бу йил театримиз ўз мавсумини янги раҳбар—халқ артисти, Ўзбекистон Театр арболари уюшмаси президенти Бернора Қориева бошчилигида очмоқда.

Аввало, театр ўз ижодий жараёнида ўзбек халқининг миллий мафкурасини яратишга ҳисса қўшишга жиддий аҳамият беради. Ниятимиз ўзбек халқининг буюк мутафаккири номи билан боғлиқ театрга халқимизни, унинг ёш авлодини жалб этишдир. Албатта, биз биринчи навбатда ўзбек композиторлари ва драматурглари билан ҳамкорликда янги миллий асарлар яратишга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга Европа ва умумжаҳон мусиқа санъатини сақлаб, ривожлантириш йўлидан борамиз. Чунки ўзбек томошабини фақат миллий мусиқа билан чегараланиб қолмаслиги, ўз мусиқа маданиятининг қимматини Европа, умумжаҳон санъати орқали англаши керак.

—Билишимизча, эртага парда Сергей Прокофевнинг «Ромео ва Жулетта» балети премераси билан очиларкан...

— Сиз, менингча, бирорта ўзбек миллий операси бинасида саҳнани очган маъқул эмасми, демоқчи бўлдингиз. Гап шундаки, бу йилги режаларимиз ўзгачароқ. Катта театр мавсуми ичида учта —кузги, қишки, баҳорги мавсумларни ташкил этганмиз. Ҳар бир мавсумни битта янги асар билан бошлашни ният қилганмиз. Мана, кўриб турганингиздек, биринчи премера арафасидамиз. Кузги мавсум давомида эса XX асрнинг буюк композиторларидан бири, америкалик Жорж Гершвиннинг «Порги ва Бесс» халқ операси саҳналаштирилади. Асарни таниқли дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти Зоҳид Ҳақназаров ва Горкий номидаги Тошкент давлат рус академик драма театри бадиий раҳбари Владимир Шапирога топширдик. Нима учун четдан режиссёр таклиф этилди, деган савол туғилиши табиий. Аввало, Зоҳид Ҳақназаровда катта тажриба бор. Қолаверса, у кўп йиллардан буён опера театри дирижёрлик пултига туришни орзу қилади. Муҳими, унинг замонавий опера санъати ҳақида янги фикри, нуқтаи назари бор. Бу эса катта аҳамиятга эга. Қолаверса, унинг ана шу фикр-мулоҳазалари Шапиронинг режиссёрлик маҳоратига мос келади. Асар устидаги иш ноябр ойи охирларида якунланади.

Қишки мавсум 20 декабрдан бошланиб, 25 февралда тугайди. Унда ўзбек композиторларининг иккита асари — Сулаймон Юдаковнинг «Насриддиннинг ёшлиги» балети ва Тўхтасин Жалиловнинг «Тоҳир ва Зуҳра» операсининг янги вариантини саҳналаштириб, мухлисларга тақдим этмоқчимиз.

Балетни Юдаков билан ҳамкорликда шу асар устида ишлаган қозоғистонлик балетмейстер, Қозоғистон халқ артисти Булат Аюханов ҳамда театримизнинг бош дирижёри, Ўзбекистон халқ артисти Ҳамидулла Шамсуддинов биргаликда саҳнага олиб чиқадилар. Операни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ғани Тўлаганов билан театрнинг янги, умидли режиссёри Ҳайдарали Қосимов саҳналаштирадилар.

Баҳорги мавсумда ҳам (20 мартдан 30 июнгача) мухлисларимизни зериктириб қўймаймиз. Италиялик классик композитор Даницеттининг «Лучиа ва Ламермур» номли операсини италян тилида саҳналаштирмоқчимиз. Асарни Ўзбекистон халқ артисти Абдуғани Абдуқаюмов билан режиссёр Андрей Слоним саҳнага олиб чиқадилар. Бунинг учун Милан театридан саҳна нутқи бўйича мутахассис таклиф қилишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, таниқли санъаткор Дилбар Абдураҳмонова ва Феруддин Сафаров бир пардали «Моцарт ва Сальери» ҳамда Нурилло Зокировнинг «Макбет» операларини саҳналаштирадилар.

— Кўриниб турибдики, режаларингиз ниҳоятда катта ва ўзига хос. Лекин бугунги мавжуд ижодий кучлар билан режаларингизни уддалашингизга ишонса бўлади. Айтинг-чи, юқоридаги гапларга қараганда, мавсумлар орасида бўш кунлар бор экан...

— Нима демоқчи эканингизни тушундим. Мавсумлар орасида биз ижодкорларга бир ой янги асар яратиш устида ишлашга имкон берамиз. Бу вақтда спектакллар қўйилмайди, фақат машғулотлар давом эттирилади. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Бундан бўён фақат сешанба, пайшанба, ва якшанба кунлари спектакллар қўйилади. Бизнингча, театр ҳар куни спектакл қўйиши шарт эмас. Зеро, томошабин ўзи хоҳлаган асар қўйиладиган кунни интизорлик билан кутсин. Шанба, якшанба кунлари эса кундузги спектаклларимиз ҳам бўлади.

— Ҳа, бу йилги мавсумда опера санъати мухлислари учун кутилмаган «совғалар» мўл бўладиганга ўхшайди.

— Тўғри айтдингиз, бу мавсумда янгиликларимиз кўп. Шулардан асосийси, бир ойда бир марта ташкил қилинадиган абонементли концертлар. Болаларга бағишланган бу тадбир 1-октябрдан бошланади. «Соғлом авлод учун» деган шиор фақат жисмоний эмас, маънавий соғлом, баркамол авлод учун деган ҳамдир. Чунки мусиқани тинглаш, севиш маданиятини ёшликдан шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Яна бир янгилик шуки, театримизда камер оркестри ташкил қиляпмиз. Бу оркестр опера ва балет санъатини тарғиб этишда, умумжаҳон санъати билан ўзбек томошабинини таништиришда катта ёрдам беради, деб ишонамиз. Шунингдек, миллий мусиқа ансамблини тикламоқчимиз. Умуман, истаган ёшдаги мусиқа шайдоси бизнинг даргоҳимиздан ўзига керакли нарсани олиши учун бутун имкониятларни ишга соляпмиз. Театрни томошабинсиз қолдирмаслик асосий мақсадларимиздан бири. Умуман, театримизни Ўзбекистоннинг энг катта мусиқа маданияти марказига айлантириш ниятимиз бор.

Фурсатдан фойдаланиб, анчадан буён дилимга тугиб юрган бир орзуни айтмоқчиман. Маданият Ишлари вазирлигида кўп йиллар давомида бош мутахассис сифасида ишлаб турган давримда амалга оширолмаган ишлардан бири, улуғ ўзбек санъаткорлари, Ўзбекистон халқ артистлари Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Эргаш Йўлдошевнинг хотира кечаларини ўтказишни, театрнинг кузги, қишки ва баҳорги мавсумлари орасида махсус сценарий бўйича ана шундай тадбирларни уюштиришни мўлжаллаб қўйдик. Биз ҳеч қачон халқимиз ардоқлаган санъаткорларни унутмаслигимиз керак.

— Сизларга ана шу яхши орзу-умидларнинг амалга ошиши йўлида ижодий ютуқлар тилаймиз.

Гулчеҳра УМАРОВА суҳбатлашди

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси шоир Анвар Ҳожнинг волидаи муҳтарамаси **САНОБАР ая** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ҲАДИС БЎСТОНИГА КИРГАНДА...

Қуръони Каримдан кейин иккинчи муқаддас диний китоб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадиси шарифларидир. Ҳадислар бизнинг буюк муҳаддисларимиз — Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим ибн Ҳажжож, Абу Довуд Сулаймон ибн ал-Ашъас, Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Нисоий ва Имом Абу Абдулраҳмон Аҳмад ибн Али ан-Нисоний ва Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа томонидан тўпланиб, китоб шаклига келтирилган. Бу олти буюк ҳадис олимлари ва улар қаторида Имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Самарқандий Дорамий (796—869) ҳам машҳур муҳаддислар бўлиб, бутун ислом оламида тан олинган. Булар тўплаган ҳадислар аввалгари қўлёзмалар шаклида кўчирилиб, тарқатилган бўлса, китоб чоп этиш пайдо бўлганидан кейин бир неча маротаба қайта-қайта дунёнинг бутун ислом мамлакатларида, ҳатто Оврупода нашр этилиб, мадрасаларда ўқитилиб келинмоқда.

Етти муҳаддис тўплаган ҳадислардан энг саҳиҳ (тўғри, ҳақиқий)лари Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий ва Имом Нисоийлар йиғқан ҳадислар бўлиб, булар жуда шуҳрат қозониб кетган.

Ҳадис илми алоҳида фан сифатида шаклланиб, тан олинган. Ҳадислар тарихий, диний томондан ҳамда тил нуқтаи назаридан араб ва араб бўлмаган исломшунос олимлар томонидан чуқур ўрганилган, уларга кўплаб шарҳлар ёзилган. Олим ва шоирлар ўз асарларида ҳадислардан унумли фойдаланганлар. Ҳадислар дунёнинг жуда кўп халқлари тилларига таржима қилинган. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий одоб ва тарбияга оид машҳур қирқ ҳадисни форс ва ўзбек тилларида рубоий шаклида қайта бунёд этганлар. Бу рубоийлар чиҳл ҳадис (қирқ ҳадис) номлари билан шуҳрат қозониб келмоқда.

Ҳадис ҳақида ёзилган китоблардан бири Имом Муҳиддин Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Наввойнинг (вафоти 1272 йил) «Риёз ус-солиҳин» («Солиҳлар бўстонлари») асаридир. Китоб 670 ҳижрий сана, рамазон ойининг тўртинчи - куни (1272 йил, 4 апрел) ёзиб тугатилган. Асар 372 боббдан иборат бўлиб, уларда 1893 ҳадис берилган. Ҳадислар Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Нисоий, Имом Термизий ва Имом Абу Довуд тўплаган мажмуалардан олинган бўлиб, кўпчилик ҳадислар тагида уларнинг номлари кўрсатиб кетилган. Халқни ислом қонун-қондалари билан таништириш инсон боласини ҳалол, пок, ростгўй, имонли, инсофли, тавфиқли қилиб тарбиялашда; каззоблик, қаллоблик, фирибгарлик, риёкорлик, маиший бузуқлик, нопоклик, ҳаромтомоқлик, инсофсизлик, бетавфиқлик, фаҳш ишлар билан шуғулланиш, майхўрлик, ўғирлик, қиморбозлик каби салбий иллатларни йўқотишда бу ҳадислар мажмуаси, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этган. Асарнинг халқ ҳаёти ва тарбияси учун ниҳоятда зарур эканини билган бизнинг ватандошимиз, йирик олим, фақиҳ, муҳаддис ва муфассир Шайх Саййид Назир Тарозий— Олтинхон Тўра(1991 йили қурбон ҳайити куни 99 ёшларида Мадинада вафот этдилар) уни ўзбек тилига таржима қилдилар ва китоб уч маротаба тўрт жилдда нашр этилди. Олтинхон Тўра таржималарида аввал «Риёз ус-солиҳин»нинг арабча матни, сўнгра ўзбекча (туркийча) таржимаси келтирилган.

Бу муқаддас китоб ҳозирги ўзбек-кирилл имлосида Наманганда ҳам босилиб чиқди. Уни Саримсоқ Камол нашрга тайёрлаган. У киши яхши мутахассис шифокор, медицина фанлари номзоди. Бу соҳада бизнинг у кишига ҳеч бир эътирозимиз йўқ. Мен Саримсоқжонни шифокор, имонли инсон сифатида ҳурмат қиламан. Лекин махсус шарқшунослик, араблар тарихи, исломшуносликдан маълумоти бўлмаган бир кишининг саъй-ҳаракати билан бундай муқаддас, қийин ва масъулиятли ишни уддалаш жуда оғир вазифа. Китоб пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари бўлгани учун уни тўғри талқин этмоқ, халқ оммасига маъноларини тўла етказиб бермоқ ғоят муҳимдир. Асар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси таргибот маркази, «Камалак» нашриёти томонидан нашрга тайёрланган ва Наманган шаҳар босмахонасида босилган. Нашриёт бош муҳаррири — Х. Даврон, масъул муҳаррир — М. Исмоил. Улар, афсуски, шарқшунослик маълумотига эга эмаслар. Хуршид Даврон билан шу ҳақда суҳбатлашганимизда «Менинг номимни ёзиб юборишган, китобни энди кўряпман», деди.

Саримсоқ Камол нашрга тайёрлаган ушбу китоб мукаммаси ва ички титул вараги тепасига асар муаллифи сифатида Саййид Маҳмуд (китобда Махмуд) Тарозий —Олтинхон Тўра номлари ёзилган. Титул вараги орқасида эса: «XX асрнинг йирик муҳаддисларидан бири, ҳамюртимиз Саййид Маҳмуд Тарозий — Олтинхонтўра Туркистонийнинг ушбу мажмуасида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўз умматларига суннат қилиб кетган исломий ҳаёт тарзи ва унинг қондалари ҳақида сўз боради» деб ёзиб қўйилган

Во ажабо! Юқорида тилга олганимиз Муҳиддин Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Наввий қаламига мансуб асар қандай қилиб Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир — Олтинхон Тўра ёзган китоб бўлиб қолди! Ваҳоланки, китобнинг араб ҳатидаги нусхасида: «Таълиф ал-Имом ал-Муҳаддис ал-Ҳофиз Муҳиддин Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Наввий», тагида эса «ал-мутаржим ила луғат-ит-туркистонийя би қалами аш-шайх ас-Саййид Маҳмуд бин ас-Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий», деб ёзиб қўйилган. Нашр ҳатто шунга ҳам қарамаган. Китобни кўздан кечирар эканман, кўп ибора ва сўзлар бутунлай хато ўқилгани, баъзан асар мазмуни бузилиб кетганига гувоҳ бўлдим. Фикримнинг далили

ТАҚРИЗ

учун айрим мисоллар келтираман (аввалгиси тўғри ёзилиши, кейингиси бузилгани): **танфир** — танғир, **муборак** — муборакн (4-бет), **тафвиз** — тавфиз (5-бет), **ал-Хаттоб** — ил-Хаттоб, **ал-Ҳажжож ан-Найсобурий** — ил-Ажож ил-Нисо Баврий (6-бет; «ал» аниқлик аломатини «ил» ёзиш, Найсобур — Нишопур шаҳрини билмаслик), **ал-Ансорий** —Нисорий (7-бет), **дор ул-Куфр** — Дор ул-Куфро (7-бет), **ҳажжат ул-видода** (видолашиш ҳажжи) —жиҳоди ал-видоъда (9-бет), **Нуфайқ** — Нафъи (10-бет), **аззу ва жалладин** — Азвожалдин (11-бет), **Ағар ибн Ясар**— Оғир ибн Ёсар, **Молик Ансорий ходими расулуллоҳ** — Малик Ансорий Хадимо Расулуллоҳ (15-бет), **ҳадиси ҳасан** (яхши ҳадис) — «ҳадиси ҳусн» (17—18-бетлар), **бебахтли инсон** — небахтли инсон (18-бет). Шу бетда «...силсиласин асносида кун ботар тарафдин бўлғон бир дарвозани» ибораси тушиб қолган), **Табук** — Тубук, **Ақоба** Уқоба (20-бет), **Ғассон** —Ғисон, **Қатода** — қитода (26-бет), **аслам қабиласи** — ислом қабиласи, **Талҳа** — Талҳата, **мусофаҳа** — мусафҳа (28-бет), **ҳаромдин бола кўтарган ҳолда (қорнида ҳаромдан бўлган боласи билан)** — ҳарамдин (яъни Каъбатуллодин) бола кўтарган ҳолда (31-бет; бу жуда қўпол хато), **зарарингга ҳужжатдир** —зарарингга ҳижобатдир (34-бет), **Усома** —Асома (35-бет), **Ҳазрамавт** — Ҳазар Мавт (44-бет), **Умм Салим** — Умми Салима (45-бет), **Усайд** — Усид, **Ҳузайр** — Ҳузир, **Абу Авфо** — Аби Авфий (50-бет), **Қуръон нозил қилғувчи** — Қуръон нозим қилғувчи (51-бет), яъни Қуръонни шеърга солган бўлиб қолган...

Мен фақат асарнинг 51-бетигача бўлган хато-нуқсонлардан айримларинигина кўрсатиб ўтдим. Тиниш белгилари, сўзларда бош ва кичик ҳарфларни, х ва ҳ ҳарфларини ёзишда йўл қўйилган юзлаб хатолар, чалкашликлар ҳақида тўхтаб ўтирмадим.

Мен ЎзФА Шарқшунослик институтида 33 йил ишладим, араб тилидан тўрт манбани таржима қилиб, сўзбоши, изоҳлар билан нашр эттирдим. Китоб тайёр бўлганда аввал бўлимда мутахассислар иштирокида муҳокама қилардик, унга иккита ташқи ва ички (яъни ўзимиздан) шу соҳадан хабардор шарқшунос-тақризчи белгиланар эди. Улар ишни синчиклаб ўқиб чиқардилар. Шундан кейин тадқиқот илмий кенгашда муҳокамадан ўтарди. Тақризчилар ўз фикрларини айтардилар. Илмий кенгаш масъул муҳаррир белгиларди. У қўлёзмани таҳрир қиларди ва «Босмага берилса розиман», деб қўл қўйиб берарди. Шунга қадар ношир ҳамма кўрсатилган нуқсон-хатоларни тузатиб чиқарди. Ана шулардан сўнггина китоб нашриётга топширилларди. Ҳар бир нашрга тайёрланган манбага муфассал ёки қисқароқ муқаддима ёзиш, унда асар муаллифи, унинг илмий, тарихий, диний, тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхтаб ўтиш керак. Араб, форсий тилларидан таржима ёки араб хатидаги ўзбек ёзувидан ўгирилган асар бўлса, унда учраган Қуръон суралари, тарихий шахслар, муаллифлар, жой номларига асар охирида изоҳлар бериб кетиш керак. Бусиз ўқувчи китобни тушунмайди. Афсуски, нашр этилган мазкур асарда буларнинг ҳеч бири йўқ. Уни бирорта шарқшунос олим ёки эски ўзбек-араб ёзувини яхши ўқийдиган диний арбоб кўздан кечирмаган. Ахир Наманганда Д. Эшондадаев, М. Юсупов каби шарқшунос олимлар, ўнлаб имом-хатиблар бор эди-ку!

Хуллас, Абу Закариё Яҳё ибн Шараф қаламига мансуб «Риёз ус-солиҳин» асари биринчи қисми ўзбекча таржималарининг 40 минг нусхада чоп этилган мазкур нашрининг тузатилган ва тўғриланган нусхасини Наманган босмахонаси қайтадан чоп этиши, хатоликларни тузатиши керак.

Президентимиз Ислом Каримов миллий маданиятимизга алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. У кишининг махсус фармони билан Республика маънавият ва маърифат маркази ташкил этилди. Маънавият ва маърифатимиз асосан китобдан бошланишини унутмаслигимиз лозим.

Ҳожи Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

ҒУРУРИ БАЛАНД ИНСОН ЭДИ

Шундай инсонлар бўладики, уларнинг бўюклиги, кенг тафаккури, донолиги ва зукколиги негадир бандаликни бажо қилгандан кейин тан олинади. Балки бу бизнинг бефарқлигимиз, «олдимиздан оққан сувнинг қадрига етмаслигимиз»дандир. Атоқли файласуф, теран тафаккур соҳиби бўлган Ҳайдар ака Пўлатов ҳаётлик пайтидаёқ истеъдоди ва инсоний хислатлари эътироф этилган чин маънодаги катта аллома эди. У юксак инсоний ғурурга эга бўлган, қалби кенг, кўнгли очиқ, танти ва олижаноб киши эди. Домла шогирдларидан ҳам ҳамиша шундай хислатлар қидирар, йўқларини эса тарбиялашга ҳаракат қиларди. Ортиқча насиҳатгўйликдан қочарди, кишининг иззат-нафсига тегиш домлага ёт эди.

Ҳайдар Пўлатов 1991 йилдаёқ «Мулоқот» журналида «Ўзбек мафкураси» номли илмий асосланган, долзарб мавзудаги мақоласини эълон қилганда баъзилар ҳайрон бўлиб «лаб бургани» сир эмас. Қарангки, ушбу масала 1993 йилга келиб республика миқёсида кун тартибига қўйилди ва унга катта эътибор берилмоқда.

Коммунистик мафкура ҳукмронлик қилиб келган яқин ўтмишда миллийлик ҳақида ёзиш, уни ҳимоя қилишга ҳамма ҳам журъат эта олмас эди. Бунга журъат қилганлар миллий чекланганлик ва миллатчиликда айбланар, турли йўллар билан таъқиб қилинар эди. Шунинг учун бўлса керак, ўша даврларда ким билан суҳбатлашманг, «миллийликка урғу берманг», «байналмилалчилик ҳақида гапиринг», «бизда миллий онг эмас, балки байналмилал онг мавжуд», «миллий мафкура эмас, марксча-ленинча мафкура бор» деган фикрлар қатъий қилиб уқтирилар эди.

Ўз халқига, Ватанига содиқ олим сифатида Ҳайдар домла шундай мураккаб даврда ҳам миллийликни ҳимоя қилишга, миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий масъулиятни шакллантиришга куч ва ирода топа олди. У, энг аввало, олим киши муайян халқнинг вакили сифатида миллий ўзлигини англаб олиши зарур эканлигини қайта-қайта уқтиришга журъат этганлардан бири ҳисобланади.

Албатта, Ҳайдар Пўлатовнинг бундай ҳурфикрлилиги ўша йилларда ҳаммага ҳам ёқавермасди. «Мўътабар» кенгашларнинг бирида республикамизга юборилган «десантчи»ларнинг қўмондони В. Анишчев домлани ноҳақ коралагани ва Ҳайдар Пўлатов унга ишонарли ва ҳаққоний далиллар билан ҳақ жавоб берганлиги ҳали илмий жамоатчиликнинг хотирасидан кўтарилгани йўқ.

Миллий истиқлолни зўр мамнуният, чексиз қувонч билан кутиб олган Ҳайдар домла «Ўзбек мафкураси» деб номланган ўша мақоласида «Она Ватани, қадрдон халқи иқболи ва тақдирига бефарқ бўлишнинг, ўз халқи қайғу-алами, орзу-умиди ва қувончига шерик бўлмасликнинг гуноҳи оқпадарликдан ҳам оғирдир», деб ёзган эди. У мустақил Ўзбекистон давлатининг маънавий асосини белгилаб берувчи миллий истиқлол мафкураси ва сиёсатини ишлаб чиқишдек улуғвор ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олди. Ўзининг «Миллий уйғониш давлати», «Мустақиллик масъулияти», «Мустақиллигимиз қадриятлари» каби илмий ва ҳаммабоп мақолаларида миллий мафкура ва сиёсатнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида тутадиган ўрни ва роли билан боғлиқ бўлган қатор назарий муаммоларни илмий тарзда очиб беришга эришади. «Бизнинг янги мафкурамиз инсонпарварлик мафкураси бўлиб, унинг мақсади, мустақил Ўзбекистонда чинакам инсоний жамият қуриш ва ижтимоий инсонни тарбиялаш бўлмоғи керак», деб ёзди.

Ҳайдар Пўлатов республикада биринчилардан бўлиб инсонпарварлик масаласини кенг тадқиқ қилган олимлардан бири. Бундан 25 йил илгари эълон қилинган давлат, маданият, шахс мавзуидаги рисолаларида шахснинг, инсоннинг жамиятда тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратган эди.

Домла, айрим олимлар миллий тиллар қўшилиб кетади, собиқ СССР халқларининг ягона тили бўлади, деб «башорат» қилганларида, йўқ ундай эмас, миллий тил мафкуравий муносабатларни бошқариш, адо этиш ва амалга оширишнинг воситасидир. Миллий тил — миллат маданиятининг ижтимоий хусусиятларини белгиловчи миллий онгнинг моддий намоён бўлиши шаклидир, деб ўзининг қатъий муносабатини билдирган эди.

Ҳайдар Пўлатов ҳам ҳуқуқшунос, ҳам файласуф, ҳам тарихчи олим эди. Шу билан бир қаторда ўз Ватанининг, ўз миллатининг жонкуяри эди.

Эсимизда, Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон халқлари тарихи дарслигини яратиш бўйича ўтган анжуманда тарихчи олимлар билан қилган баҳслари. Ҳайдар домла тарихчи алломаларнинг Ўрта Осиё тарихини ўрганишимиз, билишимиз керак, деган фикрларига, йўқ, биз аввало ўзбекнинг тарихини, ўзимизнинг тарихимизни билишимиз, ўрганишимиз керак ва зарур, деб жавоб қайтарган эдилар. Давр ушбу фикрни кун тартибига қўйди ва тўғрилагини исботлади.

Домланинг «Мустақиллигимиз қадриятлари» мақоласи сўнгги ишларидан бири бўлиб қолди. Вафотидан сўнг чиққан бу мақолада Ҳ. Пўлатов маданий мерос, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби қадриятларимизнинг туб моҳиятини очиб берган. Ўзбекнинг иззати, ўзбекнинг қадр-қиммати, ўзбекнинг бахти, ўзбекнинг қалби Ватанидир, — деб таъкидлаган эди олим. Ҳ. Пўлатов ўз илмий асарларида ҳамиша инсонпарварлик ғояларини илгари суриб келди. Инсон мавзуси, инсоний жамият қуриш, инсон тарбияси масалалари унинг тадқиқотларида бош масала қилиб қўйиларди. У доим ҳақиқий инсонларга дўст бўлиб келди, кимда-ким ёрдамига муҳтож бўлса, ундан ўз ҳиммасини аямади. Муносиб шогирдлар, фарзандлар тайёрлади. Фарзандлари отанинг пок номини эзъозлаб келмоқда. У киши раҳбарлигида олимлик даражасига эришган илм толиблари эса бугун мустақиллигимиз қадриятларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳайдар домла ҳаётлигида одамлар қалбига жо этган ибратлари, сабоқлари улар дилидан асло ўчмайди. У ғурурли, доно инсон эди. Одамлар ёдида мард инсон сифатида яшайверади.

Шавкат ЕҚУБОВ,
Анвар НАБИЖОНОВ

ЁДНОМА

1955 йилнинг май ойи эди. Ўрта Осиё Давлат Университети (ҳозирги ТошДУ)нинг пойтахт марказидаги филология факультети биносида профессор—ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг илмий-амалий кенгаши борарди. У вақтда биз II курс толиби эдик.

Хотирга олмоқчи бўлган марҳум дўстимиз Дўстмурод Абдураҳмонов мазкур кенгашнинг фаол қатнашчиси сифатида ҳар бир илмий маърузани синчковлик билан тингларди. В. Решетов, А. Ғуломов, И. Киссен, Т. Иброҳимов каби таниқли олимлар масъул бўлган ушбу кенгаш йиғилишлари ўқитувчи ва талабаларнинг ҳақиқий илмий баҳслари ва беғараз танқидий фикр-мулоҳазалари асосида ўтарди.

Дўстмурод Абдураҳмонов шу кенгашда «Сўзларнинг бошқарув муносабатлари» мавзуида маруза қилиб, ўзининг тил илмига бўлган чин эътиқодини, билим савиясининг юксаклигини намойиш қилди. Ушбу маруза юзасидан фикр билдирган профессорлар В. Решетов ва А. Ғуломов Дўстмуроднинг илмий мушоҳадаларига юқори баҳо беришиб, уни талабаларнинг илмий ишлари тўпламида чоп этишга тавсия этган эдилар.

Дарҳақиқат, Дўстмурод студентликдан филология илмига, хусусан, ўзбек тилшунослигига меҳр қўйди, бу соҳага доир кўплаб рисолалар ва илмий тадқиқотларни синчковлик билан кузатиб борди. Шундан бўлса керак, унинг илмий жиҳатдан анча бақувват мақолалари ва тақризлари талабалик давридаёқ жумҳурият матбуотида кўрина бошлаган эди.

Дўстмуроддаги дўстларга садоқат, инсоний камтарлик, илмий иқтидор факултет профессор-ўқитувчиларига маъқул тушиб, уни ўзбек тилшунослик кафедрасига ўқитувчи сифатида ишга қолдиришди. Аммо тақсимот комиссияси уни ана шу фазилатлари учун ЎзФА Тил ва адабиёт институтига илмий ходим қилиб ишга жўнатди.

Бу ерда у ўзбек халқ шеваларининг энг муҳим муаммолари юзасидан тадқиқотлар олиб борди. Ўзбек тилининг Қашқадарё вилоят шевалари лексикаси, фонетикаси ва грамматикаси юзасидан изланишлар қилди.

Дўстмурод текширимоқчи бўлган ҳар бир илмий мавзунинг аввало моҳиятидан келиб чиқарди. У илмда ўз сўзига, ўз қарашларига, фаол нуқтаи назарига эга бўлган жасоратли олим эди. «Ўзбек шеваларининг морфологик ўрганилиши», «Давлат тили масалалари», «Навоий асарлари тилини қандай ўрганмоқдамиз?» сингари ўнлаб илмий мақолалар ёзиб, тилшуносликда ечимини кутаётган долзарб муаммолар ҳақида фикр юритди.

Дўстмурод Абдураҳмонов салкам 40 йиллик илмий изланишлари давомида юздан ортиқ илмий-услубий, публицистик ҳамда тақриз руҳидаги мақолалар ёзди. Унга яқин илмий тўпламлар ва монографияларда ҳамкор муаллиф сифатида ўзбек тилшунослигининг ўткир муаммоларига бағишланган асарлар яратди.

Афсуски, Дўстмурод Абдураҳмонов раҳмоновнинг ҳаёти у айни куч-қувватга тўлиб-тошган навқирон ёшида узилди. Бошлаб қўйилган кўп илмий ишлари чала қолди. Бироқ у шу қисқа ҳаёти мобайнида ҳам кўп иш қилиб улгурди, ажойиб фарзандлар тарбиялади. Ҳеч кимдан кўлидан келган ёрдамини аямади. Меҳнати, садоқати боис кўп дўстлар, издошлар орттирди. Унинг ёрқин хотираси дўстлари қалбида яшайверади. Яхши инсонларнинг умри боқийдир.

СОДИҚ ДЎСТ

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернида, гарчи у матбуот нашрлари учун нхтисослашган бўлса-да, аввалдан бирор байрам ёки юбилей муносабати билан эсдалик, совғабоп китоблар ҳам нашр қилиниб келинарди. Мана, энди икки йилдирки, концернда Бош таҳририят тузилиб, турли хил китоблар нашрига кенг йўл очиб берилди. Ўтган йилнинг ўзида кўплаб китобхонлар концери нашрларидан баҳраманд бўлдилар.

Бу йил концернинг Бош таҳририят аъзолари ўзбек ва ва рус тилларида 83 номда китоб чиқаришни мўлжалламоқдалар. Кейинги йилга эса 110 китоб нашри режалаштирилган. Бу китоблар турли хил туркумларда чиқарилади. Чиқарилаётган китоблардаги асарларнинг мундарижаси ҳам ҳар хил. Уларда бадиий адабиётлардан тортиб ҳар хил альбомларгача мавжуд. Жумладан, айни кунларда икки альбом нашрга тайёр. Улардан бири «Ўзбекистоннинг бугунги ранг-тасвири» деб номланса, иккинчиси «Туркистоннинг ёввойи табиати» деб аталади. Ҳар иккала альбом ҳам полиграфияси жиҳатдан юксак талабларга жавоб берадиган усулда босилади. Шунингдек, келгусида ўзбек, рус, инглиз тилларида китоблар нашр этиш имконлари изланмоқда.

Қуйида концерн Бош таҳририяти томонидан тайёрланиб нашр этилган китоблардан айримларини китобхонлар диққатига ҳавола этамиз.

«УСМОН НОСИРНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ»

Адабиётшунос олим Наим КАРИМОВнинг «Истиқлол фидойилари» туркумида нашр этилган китоби ана шундай деб номланади. Маълумки, олимнинг 1993 йилда ушбу концернда худди шу туркумда «Усмон Носир» деб номланган китоби нашр этилган ва унда шоирнинг 1935 йилгача бўлган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган эди. Бу китоб ўша асарнинг мантиқий давоми, иккинчи қисми. Яъни, Усмон Носирнинг 1935 йилда Тошкентга келишидан тортиб, то умрининг охиригача бўлган ҳаёти турли ҳужжатлар эшитган-кўрган одамларнинг ҳикоялари, ўз асарлари орқали тадқиқ қилинади.

Шоирнинг Хоразмга сафари, бу сафар пайтида туғилган янги режалар, ўзбек адабиётининг улкан намояндалари Абдулла Қодирий, Чўлпон билан учрашув ва суҳбатлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Инжиқоблоддаги ижод боғида ижодкорлар билан ўтказган лаҳзалари, бу ерда яратилган асарлар, «Ёш ленинчи» рўзномасидаги фаолияти, «Боғчасарой фантани»нинг таржима қилиниши ва бошка лавҳалар китобхонни шоир ҳаёти билан янада яқинроқдан таништиради.

Китоб уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчисида шоирнинг ижодий фаолияти ва дўстлар даврасидаги ҳаёти ҳикоя қилинса, иккинчи бўлимда Усмон Носир устидан бўлган бўҳтонлар, туҳматлар, уни қамаш билан боғлиқ бўлган воқеалар қаламга олинган, учинчи бўлимда эса қамоқхоналарда бошидан кечирган даҳшатли кунлар ҳужжатлар асосида ёритилган. Китоб охирида Усмон Носир ҳаётининг йилномаси ҳам берилган.

Китоб 25 минг нусхада нашр этилган.

«ҚИТИҒИ ЎЛМАГАН ҚИЗ»

Ёзувчи Неъмат АМИНОВнинг ушбу концернда нашрдан чиққан китобининг номи «Қитиғи ўлмаган қиз» деб номланган. Унга адибнинг ҳажвий ҳикоялари ва ён дафтаридан олинган қайдлари киритилган. Китоб тўрт бўлимдан иборат. «Манглайдаги ғурралар» ва «Қайта қуриш» ҳикоялари туркумидан» бўлимидаги ҳажвиларда жамиятимиздаги баъзи иллатлар, одамлар характеридаги айрим камчиликлар қаламга олинади. «Устод табассуми» деб аталган ҳангомаларда эса атоқли адиб Садриддин Айний ҳаётидаги қизиқарли воқеалар ҳикоя қилинади.

«Табассум учкунлари»да эса адибнинг китобхонлар учун фойдали маслаҳатлари, қайроқи гаплари, шарҳлари ўрин олган. «Шунда мен» қисмида ҳайкалтарош Н. А. (Неъмат Аминов) «Оғзимдан тушиб қолган гапларни бировлар теріб, овора бўлиб юришмасин, дедим. Қолаверса, ҳар кимнинг ўз тирикчилиги бор» дея эскиртиш киритади. Бу эскиртишнинг сабабини эса ундаги қийқимларни ўқиганингизда биласиз.

Китоб 50 минг нусхада нашр қилинган.

«МИНГ БИР ҚИЁФА»

«Ким ўқисин-ўқимасин, очиғини айтишим керак: бу — ҳаётнйми, фалсафийми, шунақа бир асар! — деб ёзади ёзувчи Омон Мухтор янги романи «Минг бир қиёфа» сўзбошисида. — Албатта, ёзувчи ҳар қандай асарда ўзи кузатган, кўрган ҳаёт ҳақиқатларини акс эттиради. Лекин барибир, бу асар кўпроқ хаёл маҳсули; мен ҳаётдаги аниқ воқеалар, одамларни бўёқ бериб, умумлаштириб юборишга ҳаракат қилганман.

Асардаги ҳикоятларда, асосан, ҳар хил одамлар учраганидан, кимгадир улар бир-бирига деярли боғлиқ эмасдек туюлиши мумкин. Аммо зийрак ўқувчи, нега уч ҳикоят яхлит асар деб аталгани, маъно ва мазмун нимадан иборатлигини ўзи илғаб олади, деб ўйлайман.

Асар 50 минг нусхада нашр этилган. Китобга расмларни Азиз Умаров ишлаган.

«СИЗ БИЛГАН ДУКЧИ ЭШОН»

Алиназар Эгамназаровнинг ҳужжатли қиссаси шундай деб аталади. Мустамлака зулмини кўрган халқлар сингари Туркистон халқларининг ҳам ўз озодлиги ва мустақиллиги учун кураш тарихи, бу йўлда жонини фидо қилган қаҳрамонлари бор. Ўтган аср охирида бўлган Андижон қўзғолонининг раҳбари Муҳаммадали халфа Собир ўғли — Дукчи эшон ана шундай қаҳрамонлардан биридир.

Муҳаммадали халфа Собир ўғли мустамлакачилар зулми остида эзилган халқини истиқлол учун курашга кўтарган, ўз юртини озод кўришни орзу қилган инсон эди. Лекин у орзусига эриша олмади. Андижон қўзғолони муваффақиятсиз тугаб, унинг ташкилотчилари қатл этилди. Шундан бери орадан ўтган бир асрга яқин вақт ичида бу қўзғолон ва унинг раҳбари Дукчи эшон ҳақида тўғри, нотўғри ҳар хил гаплар айтилди. Хўш, аслида воқеага яқин вақт ичида бу қўзғолончилар ҳақидаги асл маълумотлар қандай? Муаллиф ана шуларни тарихий ҳужжатлар асосида ёритишга интилган. Асар сўнгида Дукчи эшон ҳикматларидан парчалар ҳам берилган.

Китоб 50 минг нусхада чоп этилган.

«ЁМҒИРҚУЙ»

Еқутхон Акрамнинг «Ёмғирқуй» китобига қисса ва ҳикоялари киритилган. Ижодкор ҳикояларида ҳам, «Руҳим яп-роқлари» деб аталган лирик-фалсафий мансураларида ҳам Инсон ҳақида, табиат ҳақида, улар ўртасида мутаносибликлар тўғрисида фикр юритади. Аёл кўнглидаги ўйлар, дардлар китобхонни кўпроқ ўйлантиради, фикр юритишга чорлайди. Унинг қаҳрамонлари ҳиссиётга бой, ҳар бир нарса, воқеа-ҳодиса ҳақида ўз фикрларига эга инсонлар.

Китоб 50 минг нусхада нашр қилинган. Унга рассом О. Восихонов расмлар ишлаган.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААСИ КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилгоҳимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси 32.
Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-56.

Навбатчи муҳаррир — Ашурали ЖЎРАЕВ

Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.30.

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларига қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Одил ЕҚУБОВ, Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Насиба ИБРОҲИМОВА, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Беқжон ЭГАМҚУЛОВ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Рустам АБДУЛЛАЕВ, Аҳмадали АСҚАРОВ, Тошпўлат АҲМЕДОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Дадахон ЕҚУБОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИЎЛДОШЕВ, Жамол КАМОЛ, Мирзо КЕНЖАБЕК, Абдулла ОРИПОВ, Ҳабиб САЪДУЛЛА, Йўлдош СУЛАЙМОН, Тошпўлат ТУРСУНОВ, Ибройим ЮСУПОВ

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000215. Буюртма Г-1096. 46920 нусхада босилди, ҳажми — 4 босма тобоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Индекс 64593.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.